O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№93-94 (646-647)
2022 йил 18 ноябрь, жума
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ЕХҲТ БОШ КОТИБИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 ноябрь куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) бош котиби Хельга Шмид билан музокара ўтказди.

ЕХҲТ билан ушбу ташкилот фаолиятининг учта – иқтисодий-экологик, сиёсий ва гуманитар йўналишларнинг барчасида ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Кейинги вақтда алоқалар фаоллашгани, очиқ ва конструктив мулоқот ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро ҳамкорликка 30 йил тўлган жорий йилнинг ўзида Ўзбекистонга ЕХҲТнинг амалдаги раиси Збигнев Рау ва ЕХҲТнинг Миллий озчиликлар масалалари бўйича Олий комиссари Қайрат Абдураҳмонов ташриф буюрди. Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси, Парламент ассамблеяси ва ЕХҲТнинг ОАВ эркинлиги бўйича вакили билан самарали ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Ёшлар ўртасида рақамли кўникмаларни ривожлантириш бўйича ҳамда 2026 йилга қадар даврга мўлжалланган Терроргчилик ва экстремизмга қарши курашиш стратегияси доирасида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Суҳбат давомида ЕХҲТ тузилмаларининг эксперт кўмаги, айниқса, Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни давом эттириш ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш масалаларида муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Иқтисодиёт ва экология йўналишларидаги ҳамкорликни кучайтириш, "яшил" иқтисодиёт, рақамлаштириш, кичик бизнес ва экология соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

Минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг долзарб муаммолари муҳокама қилинар экан, қўшни Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор қаратилди. Афғон халқининг муҳим гуманитар эҳтиёжларини таъминлашга оид қўшма лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

**ЎзА.**

# САМАРҚАНДДА "ТИНЧЛИК ДАРАХТИ" МОНУМЕНТИ ЎРНАТИЛДИ

**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
ЎзА мухбири

**Самарқанд шаҳридаги "Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университетида "Тинчлик дарахти" монументининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – туризм ва маданий мерос вазири Азиз Абдуҳакимов, ЮНЕСКО Бош директори ўринбосари Стефания Жаннини иштирок этди ва шу пайтгача дунёнинг 17 шаҳрида ўрнатилган "Тинчлик дарахти" жаҳондаги турли дин ва миллатларнинг бирлашуви, ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик рамзи ҳисобланишини таъкидлади.

– Рамзий маънога эга ушбу монументни яратишни ЮНЕСКО билан ҳамкорликда амалга оширганмиз ва 2008 йилда илк "дарахт"ни Исроилда ўрнатгандик, – дейди ЮНЕСКОнинг маданий дипломатия бўйича махсус элчиси, монумент муаллифи Хедва Сер хоним. – Бронзадан ясалган, 750 килограммлик ўн саккизинчи монумент бугун дунёга машҳур тарихий Самарқанд шаҳрига қўйилди. Монументни ўрнатиш жараёнларида бир жиҳат эътиборимни тортди. Одатда, бошқа жойларда "Тинчлик дарахти"ни яратиш учун уч ойгача вақт сарфлаганмиз. Самарқандда эса тўрт ҳафта кифоя қилди.

Меҳмонлар "Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети фаолияти билан ҳам яқиндан танишди.

# ЎЗБЕК СПОРТИНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ОЛАМШУМУЛ ЮТУҚЛАРИ РАМЗИ



**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Соғлом турмуш тарзини қатъий ривожлантириш, бу борада касбий ўсиш, спортчиларнинг ғалабасига омил бўлаётган сабабларни аниқлаш ва уларни такомилига етказиш, илмни амалиётга интеграция қилишда янги чораларни қўллаш, буларнинг барчаси спортни ривожлантириш борасидаги янги механизмлардир.**

Эътибор беринг, сўнгги 5 йилда спортни ривожлантиришга қарийб 4 трлн сўм маблағ йўналтирилди. 118 та йирик спорт иншоотлари фойдаланишга топширилди ва 110 таси реконструкция қилинди. Ёшларни мунтазам жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари борасидаги амалий ҳаракатлар бугун маҳаллалар даражасида давом этмоқда. Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини қўллаб-қувватлайдиган профессионал спортчиларга эътибор қатъий кучайтирилди. Натижалар узоқ куттирмади. Биргина шу йилнинг ўзида турли даражадаги халқаро мусобақаларда 334 та олтин, 367 та кумуш, 319 та бронза медаллари қўлга киритилди.

Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида бўлиб ўтган шахмат Олимпиадаси ва ундаги ёрқин ғалабалар ҳисси ҳали совигани йўқ. Туркиянинг Коня шаҳрида ўтказилган V Ислом бирдамлиги ўйинларида турли йўналишларда дадил ҳаракат қилган спортчиларимизнинг шарафли ғалабаларини кўпчилик катта иштиёқ билан кузатгани бор гап. Ҳа, Ўзбекистоннинг бундай ютуқлари жуда таъсирли. Эътиборли томони, мамлакат тобора нуфузли Халқаро турнирларнинг манзилига айланиб бормоқда. 2021 йилда оғир атлетика бўйича Жаҳон чемпионати, бу йил дзюдо бўйича дунё чемпионати, келгуси йилда мамлакатимиз бокс бўйича Жаҳон чемпионати ва кўплаб қитъа турнирларига мезбонлик қилади.

Спорт – ёрқин ғалабалар, жўшқинлик оғушидаги маҳорат майдони, энг қимматли бойлик. Саломатликни мустаҳкамлаш ва тарғиб қилиш, юрт шаънини улуғлаш, қалбларга ғурур ва ифтихор бахш этувчи энг таъсирчан омил. Шунинг учун мамлакатимизда спортни ривожлантириш, бу борада зарур чора-тадбирлар кўришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Спорт иншоотларини қуриш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ёш спортчиларни танлаш, мураббийларни тайёрлаш ва меҳнатини рағбатлантириш, оммавий спортни ривожлантириш, маҳалла даражасида ёшлар билан ишлашнинг самарали тизимини яратиш масалалари изчил ҳал этиляпти. Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, профессионал спортни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга устувор аҳамият берилмоқда. Бундай тизимли чора-тадбирлар ҳақида яна узоқ гапириш мумкин.

Тарихнинг янги даври, авлодларга мерос лаҳзалар. 2025 йилда реал воқеликка айланадиган "Олимпия шаҳарчаси"нинг кўриниши. Янги Ўзбекистоннинг ёрқин рамзи. Президентимизнинг шахсан ўзи назорат қиладиган спорт соҳасини ривожлантириш йўлида яна бир муҳим қадам ташланди.

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш йўналишида ўтган ҳафтада яна бир муҳим воқеа – "Олимпия шаҳарчаси"нинг қурилишига тамал тошини қўйиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

2-бет




**Таваккал ЧОРИЕВ,**
**Козимжон ТОЖИЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари.

**Давлат байроғи миллатнинг бирлиги, мустақиллиги тимсоли сифатида ўша халқнинг орзу-истакларини, умидларини, келажакка бўлган ишончини ўзида ифода этади. Дунёдаги деярли барча мустақил давлатлар ўз байроғига эга. Конституциямизнинг 5-моддасида "Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган давлат рамзлари: байроғи, герби ва мадҳиясига эга", деб таъкидланган бўлиб, ушбу модданинг "Давлат суверенитети" деб номланган бобида келтирилиши давлат рамзларининг мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатида қанчалик муҳим ўрин тутишини англатади.**

Мамлакат ва жамият тараққиёти ҳамда унинг барқарорлигида давлат рамзларининг алоҳида ўрни бор. Шу маънода, миллий байроғимиз давлат ва жамият ҳаёти, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ҳамда ролини кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар биримиз учун ифтихор тимсоли ҳисобланади. Тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, Амир Темур бобомизнинг унинг пири Сайид Барака Амир Ҳусайнга қарши жангга киришдан олдин байроқ ва ноғора тақдим этган. Соҳибқирон ҳокимият тепасига келганидан кейин ҳам давлат рамзларига ниҳоятда катта аҳамият берган. Жанг вақтида агар битта жангчи тирик қолса ҳам, у мамлакат байроғини баланд тутсин, дея фармон берган экан. Чунки давлат байроғининг эгилиши ўша давлатнинг жангда мағлуб бўлганини билдиради. "Темур тузуклари"да қайд этилишича, ёв устидан шижоат ва мардлик кўрсатиб ғалаба қозонган амирлар ҳамда сипоҳийларга давлат тимсоллари – туғ ва ноғора инъом қилинган. Бу эса салтанат рамзлари нечоғли баланд мақом тутганидан далолат беради. "Ё Ватан, ё шарафли ўлим", дея ўз юрти учун курашган Нажмиддин Кубро мўғулларга қарши жангда Ватанининг байроғини қаттиқ ҳимоя қилган ва уни тутиб жон берган.

Ўзбекистонимиз истиқлолга эришгач, энг аввало, давлатимиз рамзлари тасдиқланди. 1991 йил 18 ноябрь халқимиз ёдида ўчмас ва қутлуғ саналардан бири бўлиб қолди. Шу куни "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг 2-, 3-моддаларида байроғимиз Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзи эканлиги, халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлиши белгилаб қўйилди.

2-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№93-94 (646-647) 2022 йил 18 ноябрь

# ЎЗБЕК СПОРТИНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ОЛАМШУМУЛ ЮТУҚЛАРИ РАМЗИ



1-бет

Шу ўринда “Олимпия шаҳарчаси”нинг ёрқин, меъморий ечимлари ҳақида мулоҳаза.

Мамлакатимизда олимпия спорт турларини янада ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, шунингдек, 2025 йилда Ўзбекистонда ёзги Осиё ўйинларини муносиб тарзда ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳрининг шарқий қисмидаги 100 гектарлик майдондан ўрин оладиган “Олимпия шаҳарчаси” 45 мамлакатдан спортчиларни жалб қиладиган яхлит комплексга айланади. 20 та спорт тури бўйича ўтказиладиган бундай халқаро турнирлар табиийки, катта масъулият талаб этади. Боиси, ушбу нуфузли халқаро тадбир Ўзбекистон тарихида биринчи марта ўтказилмоқда.

Шу сабаб Президентимиз замонавий “Олимпия шаҳарчаси”ни қуриш лойиҳасини ишлаб чиқишни ўз назоратига олди ва ҳар бир жараённи кузатиб бормоқда. Меъморларнинг таклифлари билан бир неча бор танишди ҳамда лойиҳани такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Бу тавсияларни инобатга олган ҳолда “Олимпия шаҳарчаси”ни қуриш ишлари дунёнинг 70 та мамлакатида спорт иншоотларини қурган ва қурилиш саноатида етакчилардан бири бўлган Хитойнинг “China CAMC Engineering Co. LTD” компанияси билан биргаликда амалга ошириладиган бўлди. Ушбу лойиҳанинг қиймати 289 миллион доллардан зиёд. Бу ерда 10 минг ўринли енгил атлетика ва футбол стадиони, 6 та ёпиқ ва 7 та очиқ спорт иншоотлари, сув спорти саройи, велотрек, яккакураш, жамоавий спорт мажмуалари барпо этилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, мажмуа мусобақалардан сўнг бўшаб қолмайди. Кейинчалик бу ерда Спортни ривожлантириш вазирлиги, спорт федерациялари ва Ўзбекистон давлат спорт академияси фаолият кўрсата бошлайди. Мажмуаларда юртдошларимиз ҳам спорт билан шуғулланишлари мумкин бўлади.

Пойтахтда қурилиши бошланган навбатдаги улкан лойиҳа “Олимпия шаҳарчаси” ҳам имконият ва замонавийлиги билан жуда ноёб ҳисобланади. Бунёд бўладиган ушбу мажмуада яна икки йилдан сўнг нуфузли халқаро спорт мусобақалари, ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Олимпия шаҳарчаси қурилишига тамал тоши қўйиш жараёни шу жиҳатдан тарихий аҳамиятга эга бўлди.

– **Олимпия шаҳарчаси халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳияти ва ўзбек спортининг оламшумул ютуқлари рамзига айланишига ишонаман. Бу маскан меъморий жиҳатдан мукаммал, энергия тежамкор ва энг илғор инновацион ечимларни мужассам қилган замонавий мажмуа бўлади**, – деди Шавкат Мирзиёев.

“Олимпия шаҳарчаси” лойиҳаси Халқаро мусобақаларни ўтказиш талабларига, шунингдек, спорт федерациялари талабларига тўлиқ жавоб беради. Энергия самарадорлиги, замонавий қурилиш материаллари, шунингдек, асосий бинолар ва автотураргоҳларнинг конструктив элементларига замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ўрнатилган қуёш панеллари ҳисобига таъминланади.

– Барча спорт аҳлини хурсанд қиладиган нарса шундан иборатки, бу мажмуада нафақат йирик нуфузли мусобақалар, Осиё ўйинлари, балки бу мажмуалардан келажакда фойдаланиш, айнан шу ер таълим-тарбия маскани бўлиши, спортчиларимизни тайёргарлик босқичига илм-фан, янги технологияларни татбиқ қилиш ҳам асосий мақсад қилиб олинган, – деди Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси Бош котиби Ойбек Қосимов. – “Олимпия шаҳарчаси”нинг қурилишига тамал тоши қўйиш маросимида иштирок этган нуфузли меҳмонларимиз ҳам ушбу мажмуанинг лойиҳасини кўриб жуда таъсирландилар. Айнан муҳтарам Президентимиз томонидан келажакнинг пойдеворини бугундан бошлаш ҳақидаги фикрлари ҳам уларни жуда руҳлантирди. Ўйлайманки, бундай мажмуалар нафақат келажакда олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожланишига хизмат қилади, балки бу ерда тайёргарлик кўргани Ўзбекистон спортчилари йирик мусобақаларда юқори натижаларни кўрсатишади.

Бугун жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгилангани бор гап. Чунки, спорт аҳоли саломатлигини мустаҳкамлайди, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги ҳаракатларни жадаллаштиради. Турли касалликлар, ёшлар ўртасида зарарли одатларнинг олдини олади. Спорт юксак маданият, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиради. Охирги йилларда аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда. Ҳудудларимизда минглаб спорт иншоотлари, мажмуалари, ўйингоҳлари бунёд этилди.

– **Нима учун мен спортга жуда катта эътибор бераман,** – деди тантанали Президентимиз. – **Соғлом танда соғлом зурриёд бўлади. Агар, шонли тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, ота-боболаримиз ҳам келгуси авлодлар учун улуғвор иморатни барпо этганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Биз улуғларимизнинг мана шундай эзгу анъаналарини давом эттириб, мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқчимиз. Албатта, бундай йирик лойиҳалар кўпчиликнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари ва меҳнаткаш халқимизнинг фаол иштироки билан юзага келади. Бу маскан ўзбек спортининг салоҳияти ва оламшумул ютуқлари рамзига айланишига аминман.**

– “Олимпия шаҳарчаси”нинг қурилишига тамал тоши қўйиш маросимида иштирок этиб, яна бир бор Президентимиз ёшларга, юртимиз қизларига бўлган ишончини кўрдим. Бундай катта имконият яратиб берилгани нафақат Ўзбекистон аҳолисининг, балки бутун дунёнинг юксак эътирофига сазовор бўлаётганига яна бир бора шахсан гувоҳ бўлдим. Шуни ишонч билан айта оламанки, бугун Юртбошимизнинг атрофида камарбаста бўлаётган Ўзбекистон ёшлари бу ишончни оқлаш учун бор кучимиз ва шижоатимизни сафарбар қиламиз, – деди Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги директорининг ўринбосари Дилноза Каттахонова.

“Олимпия шаҳарчаси”нинг лойиҳаси биринчи галда экология ва яшил фалсафа мезонларини юқори техонология билан инсон манфаатларини акс эттирувчи тамойилларга асослаб ишлаб чиқилган. Лойиҳада устувор равишда инновацион халқаро концепциялар, янги материаллар, яшил энергиядан фойдаланиш режалаштирилган. Бу эса лойиҳанинг илк бор ишлаб чиқариш даражасини ошириш имконини беради. Натижада ўзбек халқининг асл қадриятлари ва маданий анъаналарини ўзида мужассам этган замонавий функционал истироҳат спорт мажмуаси барпо этилади. Ушбу лойиҳа нафақат мусобақа стандартлари, ўсмирлар Осиё ўйинлари талабларига тўлиқ жавоб беради, балки рақамли технологиялар, жумладан, 5G технологияларига, яъни ақл-идрок ва иқтидорни ривожлантириш технологияларини қўллаб-қувватлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни ўзида мужассамлаштиради.

Мамлакатимиз ҳаётининг кўплаб соҳаларига ҳар куни янгиликлар кириб келаётгани бор гап. Янги объектлар, қурилиш индустриясидаги шиддаткорлик бугун асрларга даҳлдор мақсадлар келажакда яхши натижалар бериши муқаррар. Муҳими, бу йўлда манзилли ташаббуслар ҳаётий воқеликка айланмоқда.

Кейинги йилларда спортчиларимиз энг нуфузли Халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришиб, Ватанимизнинг шон-шуҳратини ошириш, ёшларимизнинг спортга иштиёқини кучайтириш, уларни Ватанга муҳабббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ва бу соҳада шонли анъаналаримизни изчил давом эттиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ана шундай шароитда мамлакатимиз тарихида илк бор ўтказиладиган ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинларига муносиб ҳозирлик кўриш учун кенг кўламли тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Келгусида мазкур “Олимпия шаҳарчаси” бунёдкор халқимизнинг Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларининг яна бир амалий ифодаси бўлишига шубҳа йўқ.

# ДАВЛАТ БАЙРОҒИ – БАХТ ВА ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

1-бет

2010 йилнинг 24 декабрида “Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни имзоланди. Ушбу қонунга биноан “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги қонунлар ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қатор ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддаси тўртинчи қисмидаги “Янги ой ва юлдузларнинг” деган сўзлар “Оқ рангли янги ой ва ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдузларнинг” деган сўзлар билан алмаштирилди. Бу эса байроғимиз тасвири ҳақидаги тасаввурни янада аниқлаштирди. Маълумки, янги ой – мустақиллигимизни, ўн икки юлдуз беғуборлик, донишмандлик ифодаси сифатида Ватанимизда яшаётган инсонлар ҳамиша комилликка интилиши ва саодатга элтувчи йўлни танлашини билдиради.

Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилар Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемалари давлат реестри ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемалари – давлат реестрига киритилган ҳаво кемаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти ҳисобида турувчи экспериментал ҳаво кемаларига, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда автомототранспорт воситалари ва улар тиркамаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақам белгиларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг асосий чегара белгисига қўйилади. Давлат байроғи тасвири туширилган белгилардан Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида предметлар, ўқув-тарбия жараёни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларининг элементи сифатида фойдаланилиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, байроғимиз республикамиз дунёда халқаро ҳамжамиятнинг тенглар ичра тенг аъзоси эканлигини англатади ва ўзида миллий-маданий анъаналаримизни мужассамлаштиради. У бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ҳамда асло кам бўлмаслигимизни яққол намоён этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, байроғимизни эъзозлаш фуқароларда ўзининг қадр-қимматига, ўз мамлакатига ва шахсига бўлган ишончни янада мустаҳкамлайди.

Бугун миллий байроғимиз давлат идора ҳамда муассасалари, ўқув юртлари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, чет эллардаги элчихона ва доимий ваколатхоналаримиз пештоқида ҳилпираб турибди. Турли байрам тантаналари, мамлакатимиз аъзолари қатнашаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар, нуфузли спорт мусобақаларида ҳам байроғимиз Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг ғурурини ёркин акс эттирмоқда. Байроқ ўзида давлатнинг тарихий қиёфасини, урф-одатлари, маданияти, мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий тузилишини ҳам мажозий равишда мужамссамлаштиради. Бугунги кунда спортчиларимиз нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтарганидан ҳар бирмизнинг қалбимиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлади. Нафақат спорт соҳасида, шунингдек, илм-у маърифатда ҳам юртимизнинг шон-шарафини оламга ёяётган, байроғимиз юксакларда ҳилпирашига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган фидойи инсонларни кўриб, уларга ҳавас қиламиз. Аслини олганда, шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаро давлатимиз рамзларига нисбатан ҳурмат-эҳтиромда бўлиши, Ватанимиз равнақига ўзининг ҳиссасини қўшишга интилиб яшаши лозим. Ҳар биримиз мана шу масъулиятни чуқур англасак ва ҳаракат қилсак, байроғимиз янада юксакларда ҳилпираверади.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига ўхшаш бўлиши мумкин эмас ҳамда Давлат байроғининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган. Ҳар йили анъанага кўра, турли давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан давлат мустақиллиги байрами ҳамда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан жамоатчиликка байрамнинг кутилган туҳфаси сифатида байроғимиз акс эттирилган сувенир, ленталар ва бошқа маҳсулотлар байрам кунлари миллионлаб нусхада ишлаб чиқарилади ҳамда кўп ҳолларда у беғараз тақдим этилади. Албатта, юрагида Ватан туйғуси жўш урган одам бундай ватанпарварликка, бирдамликка чорловчи давлат рамзлари акс этган эсдалик совғаларини жон дилидан яқинларига ҳам улашади.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг дунёда мавжуд бўлган 200 дан ортиқ давлатлар қаторида Ўзбекистон ҳам мустақиллик, ҳурлик, тинчлик ва барқарорлик тимсоли бўлиб келган ўз давлат рамзларига эга бўлиб, уларни тартибга солувчи мустаҳкам қонунчилик базасини яратди.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ҳурмат қилишлари шарт” эканлиги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонунчилигини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади” деган фикрлар тегишли нормалар билан ўз ифодасини топган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, давлатимиз байроғи тинч ва осойишта, озод ҳамда эркин ҳаётимиз, ёруғ-келажагимизга бўлган ишончимиз тимсоли сифатида доимо баланд ҳилпирайверсин.

## ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

# Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди

**“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУКда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.**



Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги ПҚ-3502-сон қарори билан тасдиқланган дастурга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2022 йил “Манзилли рўйхат”га киритилган топшириқлар ижроси юзасидан “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги:

Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, Андижон шаҳарчаси;

Бухоро вилояти, Когон тумани, Сараёнобод шаҳарчаси;

Бухоро вилояти, Қоракўл тумани, Сайёд шаҳарчаси;

Қашқадарё вилояти, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси;

Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Чимён шаҳарчаси;

Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Шўрсув шаҳарчаси

Фарғона вилояти, Қувасой шаҳар, Дўстлик шаҳарчаларининг бош режаси ва марказий қисмининг батафсил режалаштириш лойиҳалари муҳокамага қўйилди.

Унда шаҳарсозлик ҳужжатлари бўйича кенгаш аъзолари, ҳокимлик ва тегишли ташкилот ҳамда идоралар вакилларининг фикр ва мулоҳазалари тингланди.

# Коррупцияга қарши самарали йўл

**“Коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири – кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очиқ тизимини йўлга қўйишдир”. Юртбошимиз томонидан таъкидланган ушбу тизим бошқа соҳаларда бўлгани каби қурилиш сегментида ҳам кадрларни ишга қабул қилишда муҳим дастури амал бўлди. Лавозимларга номзодларнинг интеллектуал салоҳияти, соҳага янгича ёндашувини инобатга олган ҳолда, энг муносибларгина сараланмоқда.**



Қурилиш вазирлиги Пудрат бозори ва қурилиш индустриясини ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси лавозимига номзодлар тест босқичида синовдан ўтказилди. Кейинги босқич эса – соҳа масъул вакиллари билан суҳбат.

Қурилиш вазирлиги тизимида кадрларни ишга қабул қилиш, лавозимларга танлов ўтказишда адолат ва очиқликни таъминлаш бўйича Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда олиб борилаётган бу каби изчил ишлар соҳани ислоҳ қилишда муҳим аҳамият касб этади.

# Битирувчилар учун тест синови

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 4 август куни ўтказилган кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида берилган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда битирувчи курс талабаларини давлат хизматига жалб қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда “Халқчил давлат фуқаролик хизматига очиқ йўл” шиори остида тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилмоқда.**



Қурилиш вазирлигида Тошкент архитектура-қурилиш университетидан вазирликда тажриба ошириш мақсадида ариза асосида мурожаат қилган битирувчи курс талабалари учун youtube платформасида тўғридан-тўғри тест синови ташкил этилди.

Бу каби синов тадбирлари ёрдамида соҳада энг муносиб кадрларни танлаш ва истиқболли ходимларни тайёрлаш тизимли йўлга қўйилиб, ОТМ битирувчиларини вазирликка жалб қилиш самарадорлиги оширилади. Жумладан, олий таълим муассасалари ҳамда давлат хизмати ўртасида интеграцияни йўлга қўйиш, энг салоҳиятли ва билимли битирувчиларни жалб қилиш, ариза топшириб, синовлардан ўтганларни вазирликка стажировка ўташ учун йўналтириш ҳамда “Устоз-шогирд” анъанаси асосида тажрибали мутахассисларга бириктириш, амалиётни муваффақиятли якунлаган битирувчиларни танлов (суҳбат) асосида давлат хизматига ишга қабул қилиниши каби натижаларга эришилади.

# Ҳудудларга ташриф давом этяпти







**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Шу кунларда Қурилиш вазирлиги мутасаддилари ва ОАВ ходимларидан иборат тезкор гуруҳ вилоятларда пресс-тур уюштириб, ҳудудлардаги қурилиш жараёнлари билан танишмоқда. Навбатдаги манзил Андижон вилоятининг Андижон туманидаги "Қўнжи" МФЙ ҳудудидаги қурилиши тугалланмаган тиббиёт бирлашмаси бўлди.**

Айтиш керакки, масъуллар ҳудудлардаги бинокорлик ишларини кузатиши, ҳолатини ўрганиши орқали амалда уларда назорат тартиби тўғри олиб борилишига туртки бўлмоқда. Хусусан, тиббиёт бирлашмасининг аҳволи билан яқиндан танишиш давомида бунга амин бўлинди. Маълумотларга кўра, қиймати 3,6 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари учун шартномада кўрсатилган маблағнинг 91 фоизи қурилиш иштирокчилари ҳисобига ўтказиб берилган бўлса-да, жорий йилнинг 28 августида фойдаланишга топширилиши шарт бўлган бино шу пайтгача битказилмасдан хароб ҳолга келиб қолган.

Маълумот ўрнида: Андижон вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан ушбу объектда 14 марта мониторинг ўтказилиб, 12 та ёзма кўрсатма берилган. Улардан 3 таси бартараф этилмаган. Қурилиш ҳолати қониқарсизлигича қолаверган. Жумладан, қурилиш ҳудуди ҳимоя деворлари билан ўралмаган, асосий ишларда кетма-кетлик бузилган – том ёпилмасдан объект юзасига сувоқ тортилгани ортидан деворлар намланиб, шўрлаган. Сув-оқова тизими сифатсиз йўлга қўйилган.

– Қурилишда сусткашликка йўл қўйиш ярамайди, – деди Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси комплаенс хизмати мутахассиси Шерзод Худойберганов. – Мазкур тиббиёт бирлашмасида ҳам бинонинг 1-қавати қурилиш чиқиндилари билан тўлдириб юборилган. Қурилиш масъулларига ушбу ҳолат юзасидан тегишли тақдимномалар киритиш топшириғи берилди. Сифат ва муддат билан боғлиқ ушбу камчиликлар вазирлик назоратига олинди.

Пресс-турга параллел равишда Наманган вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ишчи гуруҳи томонидан Наманган шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳудудида "Косонсой бунёд" МЧЖ томонидан қурилаётган вилоят қўғирчоқ театри биносининг қурилиши бўйича мониторинг ўтказилди.

Ўрганиш жараёнида техник назорат ишлари талаб даражасида олиб борилмагани учун айрим камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Жумладан, бинонинг 2-қаватидаги томошабинлар зали осма шифтлари каркасини ўрнатишда металл профилларга ёғочли рейкалар қўшиб ўрнатилган. Фасад қисмидаги 2 дона устун юзаларида нотекисликларга йўл қўйилган.

Шунингдек, деворнинг ертўла қисмини гранитли плиталар билан қоплаш нотекис бажарилган, ички қисмида қурилиш чиқиндилари тўлиқ олинмаган, том қопламалар остидаги иситгич қатламларида ҳамда ёнғинга қарши тизимларни ўрнатишда камчиликлар мавжуд. Мониторинг натижасида техник ва муаллифлик ҳамда ички назоратчиларга камчиликларни тўлиқ бартараф этиш, келгусида бундай камчиликка йўл қўймаслик бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Масъуллар ва ОАВ ходимларидан иборат тезкор гуруҳнинг ҳудудларга ташрифларида вилоятлардаги қурилиш жараёнлари доимий назоратга муҳтож экани кўзга ташланди.

# ДЕЯРЛИ НОЛГА ТЕНГ ЭНЕРГИЯ САРФЛАЙДИГАН БИРИНЧИ КЎРГАЗМАЛИ ХОНАДОН

**Бутун дунёда энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқиш ҳамда улардан маиший ва саноатда фойдаланиш кенг қўлланилмоқда.**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги "Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича жадал чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан фақат қуёш энергияси ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқариш улушини 2030 йилга келиб 8,8 фоизга ошириш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда деярли нолга тенг энергия сарфлайдиган биринчи кўргазмали уй Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳридаги Ёшлик маҳалласида қурилди. Ушбу кўргазмали уй БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан Глобал атроф-муҳит фонди (ГЕФ) молиявий кўмагида амалга оширилаётган "Ўзбекистонда энергия самарадор қишлоқ уй-жой қурилишини ривожлантириш" қўшма лойиҳаси доирасида барпо этилди.

Мазкур кўргазмали уй бирламчи илмий синовдан ўтказиш учун Ўзбекистон Қурилиш вазирлигига расман топширилмоқда. Тадбирда БМТ Бош котиби ёрдамчиси Xaolyan Syuy ҳам иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Кўп қаватли уйларда мавсум қандай ўтади?

**Кузнинг сўнгги ойи. Ҳафтанинг бир куни иссиқ бўлса, қолганлари ёғингарчиликда ўтаётганини кўряпмиз. Қишнинг изғиринли кунларига ҳам оз қолди. Айни пайтда барча корхона ва ташкилотларда куз-қиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш учун зарур чора-тадбирлар кўриляпти.**

Долзарб ишга Қашқадарё вилоятида ҳам катта тайёргарлик кўрилди. Хусусан, вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасидан олинган маълумотга кўра, иссиқлик таъминоти бўйича жорий йилда 1,050 миллиард сўм республика бюджети маблағлари ҳисобидан Қарши шаҳридаги 1 дона қозон, 2 километр иссиқлик тармоқлари мукаммал, шунингдек, 4 та қозон, 0,5 километр иссиқлик тармоқлари жорий таъмирланди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 22 январдаги қарорига асосан Инвестиция дастури доирасида Қарши шаҳридаги "Шўртангаз" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги PK-4 қозонхонасини реконструкция ва модернизация қилиш ишларини бажариш учун онлайн тендер савдолари ўтказилиб, уни "Сам техно строй инвест" масъулияти чекланган жамияти пудрат ташкилоти ютиб олган ва ушбу лойиҳага 29,8 миллиард сўм йўналтирилди.

Пудратчилар меҳнатни тўғри ташкил этгани туфайли шу кунга қадар 22,480 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилди. Жумладан, 3 та қозон чет давлатдан олиб келиб ўрнатилиб, 5,8 километр иссиқлик тармоқларининг асосий қисми қуриб битказилди. 27 та иссиқлик камераларидан эса 14 таси замон талабига мослаштирилиб, 35 та иссиқлик тақсимловчи қурилмалар тайёрланди. Булардан ташқари, муддатини ўтаб бўлган қозонхона девори ва пойдевор қисмлари, дудбурон қувурларида ҳам қурилиш ишлари якунланди.

Таъкидлаш керак, ушбу қозонхона тўла қувват билан ишласа, Қарши шаҳридаги 7-митти туманда жойлашган 38 та кўп қаватли уй-жой иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув билан таъминланади. Айни пайтда қозонхоналарни мавсумга сифатли қилиб тайёрлаш баробарида кўп квартирали уй-жойдан фойдаланиш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаяпти.

Соҳа мутахассисларининг эътироф қилишларича, Ўзбекистон Республикасининг "Кўп квартирали уйларни бошқариш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга биноан кўп қаватли уй-жойлардан фойдаланишда амалдаги қонун-қоидаларга риоя этмаган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 159-моддаси биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар бўйича 47 та маъмурий баённомалар расмийлаштирилган ва ўз вақтида йўл қўйган хатоларини бартараф этмаган 42 нафар фуқарога 166 миллион 500 минг сўмлик жарима жазоси қўлланилди. 199 нафар фуқаро эса кўп қаватли уйлар ҳудудида ўзбошимчалик билан қуриб олган қўшимча қурилмаларни ихтиёрий равишда бузиб ташлаган.

**Ўз мухбиримиз.**

# "SHAHARSOZ – 2022" битирув малакавий ишлар танлови ғолиблари тақдирланди

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Пойтахтимизда "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати қошидаги "Шаҳарсозлик тўлқини" ёш архитекторлар ва лойиҳаловчилар бирлашмаси ташаббуси томонидан Hisense HVAC компанияси молиявий кўмагида "Биноларни лойиҳалаштиришда энергия тежамкор ва кам углеродли технологияларни жорий этиш" мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Тадбир юзга яқин архитектура ва қурилиш соҳаси вакиллари, парламент, тадбиркорлик уюшмалари, халқаро ташкилотлар, олий ўқув юртлари талабалари ҳамда хорижлик ва маҳаллий экспертларни тўплади.**



Бугун "яшил қурилиш", экология, яшил ҳудудлар ва барқарор шаҳар ривожланиши долзарб мавзуга айланиб бормоқда. Глобал иқлим ўзгариши хавфи ортиб бораётган, табиий ресурсларнинг камайиб, дунё экотизими издан чиқаётган бир пайтда, айниқса глобал қурилиш саноатига талаб ҳар қачонгидан юқори бўлмоқда. RB Asia Стратегия ва тадқиқотлар департаменти прогнозларига кўра, 2030 йилга бориб Ўзбекистонда энергетика бозори ҳажми қарийб икки баробар ортади. Ўсиш суръатларига келсак, сўнгги ўн йилда мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилга нисбатан 24 фоизга, ишлаб чиқариш 3,6 фоизга ўсган. Мутахассисларнинг тахминий ҳисоб-китобларига кўра, республикада электр энергияси тақчиллиги 14 фоизни ташкил этади. Оқибатда аҳолининг бир қисми унинг тақчиллигидан азият чекмоқда.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, Ўзбекистонда бинолар сектори якуний энергия истеъмолининг 50 фоизига тенг келади. Биноларни иситиш учун туман шифохоналарида истеъмол қилинадиган умумий энергиянинг қарийб 70 фоизи, мактабгача таълим муассасаларида 84 фоизи, қишлоқ врачлик пунктларида 88 фоизи ва мактабларда 97 фоизи сарфланади. Жадал саноатлаштириш ва аҳолининг барқарор ўсиши иқтисодиётнинг энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжини сезиларли даражада оширади. Шунингдек, атроф-муҳитга салбий антропоген таъсир кўрсатади.

Семинар доирасида биноларга вентиляция ва кондиционер тизимларини лойиҳалаш ва ўрнатишда энергия тежамкорлик, бино ва иншоотларни, айниқса қуруқ ва иссиқ иқлим шароитида лойиҳалашга иқлим ўзгаришининг таъсири ҳамда яшил технологияларни жорий этиш бўйича кичик бизнесни молиялаштириш механизмлари муҳокама қилинди. Бундан ташқари, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистонда жадал ривожланаётган қишлоқ уй-жой секторини янада барқарор ривожланиш йўлига ўтказиш, у билан боғлиқ иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтиришга қаратилган лойиҳаси оралиқ натижалари ҳам тақдим этилди.

Жорий йил баҳорда Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳри Ёшлик маҳалласида БМТТД ва Глобал экологик фонд (ГЭФ) маблағлари ҳисобидан Ўзбекистонда биринчи кўргазмали уй қурилди. Уйдаги қулайлик "яшил" материаллар, жиҳозлар ва техник ечимлар, қишда ва ёзда энг мақбул ҳароратни сақлаб туриш ҳисобига таъминланади. Уйнинг экологик барқарорлиги шундаки, у иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш орқали углерод изини камайтиради. Уй оз миқдорда энергия сарфлайди, энергияни ўзи ишлаб чиқаради, иссиқ сув билан таъминланади ва иссиқликни йўқотмайди. У шу қадар модернизация қилинган ва пухта ишлаб чиқилганки, аҳолининг муқобил электр энергиясига бўлган эҳтиёжини ва шунга мос равишда ундан фойдаланиш билан боғлиқ барча имтиёзларни таъминлашга қодир.

– Ўзбекистонда энергия ва бошқа ресурсларни тежашга катта эътибор қаратиш лозим, – деди Hisense HVAC компаниясининг минтақавий директори Тонг Ли. – Бу мамлакатдаги ва дунёдаги экологик вазият билан боғлиқ. Албатта, энергия тежамкор ечимлар ҳар доим ҳам анъанавий технологиялардан арзонроқ бўлавермайди, лекин улар узоқ муддатда ўз самарасини беради, корхоналарни инқирозли вазиятларга чидамлироқ қилади. Бугунги семинар ва диплом ишлари танловини ўтказишдан асосий мақсадимиз ҳам шу – халқаро мулоқот, мутахассислар ўртасида фикр алмашиш ва янгиликларни ўрганишдир. Бугунги кунда Хитой мисолида оладиган бўлсак, бинони лойиҳалашаётганда энг аввало, ўша ердаги иқлим, намлик, қуруқлик инобатга олинади. Сўнгра, бинони ишлатилишига қараб ҳам унга иситиш ва совутиш тизимлари лойиҳаланади. Буларни барчаси биринчи босқичда қилинадиган ишлар ҳисобланади. Бугунги тадбир янги лойиҳаларни ўрганиш, биноларни лойиҳалашда асосан қандай маҳсулотлардан фойдаланиш ёки қандай материалларни қўллаш кераклигини архитекторлар, лойиҳачи ва тадбиркорлар билан ўзаро муҳокама қилиш имконини ҳам яратди. Ҳозирда бу масала Ўзбекистон учун ҳам жуда актуал. Чунки биноларни лойиҳалашда кўп ҳолларда бу жараён инобатга олинмаётганини кўриш мумкин. Бундан ташқари, компаниямиз ҳар йили ўзининг беш фоиз даромадини илмий-тадқиқот ишлари, яъни, янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўрганишга бағишлайди. Бу лойиҳа биринчи марта ўтказиляпти, аммо келгусида янада кенгроқ диапазонда ташкил қилишни режалаштирганмиз.

Шунингдек, семинар доирасида Hisense Award "Shaharsoz – 2022" битирув малакавий ишлар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ушбу танлов "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати қошидаги "Шаҳарсозлик тўлқини" ташаббуси ҳамда Хитойнинг Hisense компанияси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Бугун юртимизда ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ёшларда инновацион тафаккурни шакллантириш, фан-техникага бўлган қизиқиш ва интеллектуал салоҳиятини ошириш борасида турли дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мазкур йўналишга ҳисса қўшиш мақсадида "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати томонидан ҳам бир қатор ташаббуслар илгари сурилмоқда. Улардан бири – шаҳарсозлик бўйича архитектура ва муҳандислик факультетларида таълим олаётган талабалар учун Hisense Award "Shaharsoz – 2022" битирув малакавий ишлар танловидир.

Танлов ташаббускори – 2021 йил "Юксалиш" УМҲ қошида ташкил этилган "Шаҳарсозлик тўлқини" ёш архитекторлар ва лойиҳаловчилар бирлашмаси ҳисобланади. Танловнинг бош ҳомийси ва ҳамкор ташкилотчиси – Хитойнинг Hisense компанияси. "Шаҳарсозлик тўлқини" ташаббуси маҳаллий архитекторлар ва лойиҳаловчиларни бирлаштириш, уларнинг архитектура-қурилиш соҳасидаги янгиликлари, илғор ғоялари ва лойиҳалари, якдил фикрларини тарғиб қилиш мақсадларига қаратилган.

– Ушбу танловни ўтказишдан мақсад, архитектура, муҳандислик-қурилиш факультетлари битирувчиларининг малакавий ишлари сифатини ошириш, соҳадаги энг яхши бўлажак мутахассисларни аниқлаш ва уларни рағбатлантиришдир, – деди архитектор, "Шаҳарсозлик тўлқини" лойиҳаси асосчиси Таҳмина Турдиалиева. – Икки йилдирки, "Шаҳарсозлик тўлқини" ижтимоий лойиҳаси архитекторлар учун турли танлов, флешмоб ва семинарлар ўтказиб келмоқда. Ушбу тадбир доирасида энг малакали битирув малакавий ишлари ғолиблари аниқланиб, тақдирланди. Хитой, Корея, Украина, Туркия, Испания каби давлатларнинг экспертлари ҳам қатнашиб, соҳада олиб борилаётган энг сўнгги технологиялар ҳақида маълумот беришди. Бу каби танловлар талабаларга қўшимча мотивация бериб, архитектура лойиҳалари сифатини оширишни ҳам таъминлайди. Бундан ташқари, танлов ёрдамида нафақат юртимиздаги энг яхши талабалар аниқланади, балки тадбиркорлар учун малакали кадрлар ҳам тақдим этилади.

Танлов натижаларига кўра, 1-ўринга Отабек Маҳмудовнинг "Келажакнинг вертикал шаҳри" лойиҳаси, 2-ўринга Кумуш Мунаввврованинг "Max Penson Center" лойиҳаси, 3-ўринга эса Фарангиз Олимжонова ва Отабек Воҳидовнинг "Агро-логистика комплекси" лойиҳаси лойиқ деб топилди. Танловнинг бир нечта иштирокчилари эса рағбатлантирувчи мукофотларга эга бўлишди.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№93-94 (646-647) 2022 йил 18 ноябрь

**Тошкент шаҳри**

# ТОР КЎЧАЛАРДА ЮРГАНЛАР ЭНДИ ҚИЙНАЛМАЙДИ

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Сир эмаски, қониқарсиз ички ва тор кўчалар кўп йиллар маҳаллаларда истиқомат қилувчиларга ноқулайлик туғдириб келди. Албатта, юрт ободлиги аввало маҳаллалардан бошланади. Сўнгги йилларда маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, халқимизга қулай шароитлар яратишга алоҳида урғу берилмоқда.**



Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида ҳам жорий ҳаракатлар қизғин амалга оширилиб, кўплаб маҳаллалардаги ички ва тор кўчаларни таъмирлаш ишлари босқичма-босқич давом эттириляпти. Натижада абгор ҳолатдаги кўчалар обод бўлиб, ландшафт кўриниши янгиланмоқда. Жумладан, яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва ҳудудий ишчи гуруҳ томонидан тумандаги Авайхон ва Иқтидор маҳаллаларида сайёр учрашув уюштирилди.



Президентимизнинг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича Авайхон маҳалласи ҳудудидаги Гёте кўчаси, 54-уйни капитал таъмирлаш юзасидан фикр алмашилди. Ушбу уйнинг капитал таъмирланиши маҳалла аҳолисига кўтаринки кайфият бағишлади. Қолаверса, учрашувда Иқтидор маҳалласи ҳудудида жойлашган 3 та электр таъминот трансформатори ва 50 дона симёғочларни янгисига алмаштириш ишлари бошланди.

– Туманимиз пойтахтнинг сўлим ҳудудларидан бири, – деди Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари Маъмур Пармонов. – Охирги йилларда ҳудудда йирик кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Маҳаллаларга бириктирилган сектор раҳбарлари бошчилигида улар бутунлай янги қиёфага кирди. Бу ўзгаришлар аҳолини хурсанд этаётгани табиий. Ҳозирда оқсоқ маҳаллаларда қурилиш ишлари олиб борилиб, йўлларни асфальтлаш, кўкаламзорлаштириш ишлари давом эттиріляпти.

Шу жумладан, "Дўстлик" МФЙ ҳудудидаги кўчаларга асфальт ётқизиш учун биринчи босқич ишлари бошлаб юборилди. Бириктирилган ишчилар жамоаси Чавондоз кўчасида ҳам бундай ишларни олиб боришмоқда. Шунингдек, "Пастки-юз" МФЙ ҳудудидаги Боғишамол ва Марҳабо кўчаларида, "Алишеробод" МФЙ ҳудудидаги Жасорат-1 тор кўчасида ҳаракатланиш қисмларини таъмирлаш тадбирлари давом эттирилмоқда.

Бу каби амалий тадбирлар ортида маҳаллаларнинг коммунал муаммолари ҳам ҳал этиляпти. Натижада аҳолининг кўп йиллик қийинчиликлари барҳам топиб, маҳаллалар обод манзилларга айлантирилмоқда.

**Навоий вилояти**

## Пухта бажарилмаган иш панд беради

**Нуриддин ЖУМАНИЁЗОВ,**
Навоий вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи.

**Президентимизнинг "Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 2021йил ПҚ-5152-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича Навоий вилоятида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, тизимли ишлар олиб борилмоқда.**

Хусусан, мавжуд 1 873 та кўп қаватли уйларга ўтган йилларда 72 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан хизмат кўрсатилган бўлса, бугунги кунда уларнинг ўрнига 58 та молиявий жиҳатдан барқарор бошқарув сервис компаниялари ташкил этилиб, кўп қаватли уйлар "Менинг уйим" биллинг дастури билан қамраб олинди. Натижада аҳоли билан ишлаш, уларнинг муаммоларига сифатли ечим топиш борасида ўзига хос ёндашув вужудга келди.

Жорий йилда режалаштирилган 26,6 млрд сўм эвазига амалда 27,1 млрд сўм мажбурий бадаллар йиғилишига эришилиб, шу ҳисобдан кўп қаватли уйларга 212 та домофонли темир эшиклар, 153 та ҳаракат сенсорли ташқи ёритиш мосламалари ўрнатилди. Бундан ташқари, 128 та уйларда том, фасад қисми ва коммуникациялар таъмирланди. Уй олди йўлакларига бетон қопламаси ётқизилиб, 34 та уйнинг том қисми, 99 тасининг кириш йўлаклари, 46 тасида ички муҳандислик тармоқлари, 45 та уйнинг ертўласидаги муҳандислик тармоқлари таъмирланди.

Мавсум даврида кўп қаватли уйларда турли техник носозликлар юзага келиши табиий. Бу муаммоларни бартараф этиш мақсадида бошқарув компаниялари томонидан авария ва диспетчерлик хизмати жорий этилди. Мукаммал таъмирлаш режалаштирилган 10 дона иссиқлик насос ускуналари, 11,7 километр иссиқлик тармоқлари, 4 километр ичимлик суви тармоқлари, 159,8 километр юқори кучланишли ва 1333,0 километр паст кучланишли электр тармоқлари, 1 дона юқори кучланишли, 345 дона паст кучланишли трансформатор пунктлари, 2,9 километр газ тармоқлари, 8 дона газ тақсимлаш пунктларида таъмирлаш ишлари тўлиқ якунига етказилди. Шунингдек, 2 дона маҳаллий қозонлар, 4,6 километр марказлашган иссиқлик тармоқлари, 23 дона марказлашган қозонлар, 104 та насос ускуналари, 7,7 километр ичимлик сув тармоқлари, 180,5 километр юқори ва 2927 километр паст кучланишли электр тармоқлари, 36 дона юқори, 826 дона паст кучланишли трансформатор пунктлари, 7,3 километр газ қувурлари ҳам реконструкция қилинди.

Жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари билан олиб борилаётган ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Маҳалла раислари, уй бошқарувчилари, аҳоли билан учрашувлар жараёнида уларни қизиқтирган таклиф ва талаблари ўрганилмоқда. "Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК вилоят ҳудудий филиали томонидан Навоий шаҳар "Мустақиллик" МФЙдаги 15-сонли кўп квартирали уйнинг туташ ҳудудида замонавий болалар майдончалари қуриб берилди. Ҳудудда республика бюджети ҳисобидан жами 18 та болалар майдончаларини қуриш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

## Коррупцияга қарши курашиш – давр талаби

**Жамолиддин ҚУРБОНОВ,**
Навоий вилояти қурилиш бош бошқармаси комплаенс назорат бош мутахассиси.

**Коррупция – жамиятнинг иқтисодий тараққиётини издан чиқариб, инсонлар ўртасида нотенгликни юзага келтирувчи, айрим мансабдор шахсларнинг ноҳалол йўл орқали маблағ орттириб, жамият таназзулига юз тутишига сабаб бўлувчи, барча мамлакатлар олдида турган глобал иллат саналади. Юртимизда коррупциянинг олдини олишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.**

Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 6 июлдаги "Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6257-сонли Фармони ва бошқа кўплаб қарорларнинг қабул қилиниши, юртимизда иллатга қарши курашиш тизимини кучайтириш, бу борадаги ислоҳотларни жадаллаштириш каби долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 майдаги "2022-2023 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги 259-сонли қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан ноябрь ойи "Коррупцияга қарши курашиш ойлиги" дея белгилангани ҳудудлардаги ишлар самарасини ошириб, жойларда иллатга қарши тадбирлар ўтказилмоқда.

Бу борада Навоий вилояти қурилиш бош бошқармасида ҳам ходимларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган семинар-тренинг ташкил этилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Ички аудит ва комплаенс назорат бўлими бош мутахассиси Бахтиёр Қорабоев, Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жаҳонгир Анваровлар иштирок этиб, мавзу юзасидан маъруза қилишди.

Тадбирда коррупция иллатининг келтириб чиқарувчи сабаблар, унинг оқибатлари, қонунчиликда бу бўйича белгиланган янги нормалар ва моддалар ҳақида сўз юритилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди.

Бир сўз билан айтганда, коррупция муроса қилиб бўлмас жиноятдир. Уни таг-томири билан суғуриб ташлаш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар халқимизнинг эртанги фаровонлигига хизмат қилади.

**Қашқадарё вилояти**

## Маҳаллалар инфратузилмаси янада яхшиланади

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Юртимиз ҳудудларини обод қилиш, қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш асосида аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш мақсадида жорий йилнинг 25 октябрь куни Президентимизнинг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-408-сонли қарори қабул қилинган эди.**

Унга мувофиқ Қашқадарё вилоятида 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастури доирасида келгуси йилнинг охиригача воҳадаги 511 та маҳаллада 621 та объектда 528,6 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилади. Вилоятда мазкур дастур бўйича ҳолати яхшиланадиган объектларнинг энг кўпи ички йўллар бўлиб, бу соҳада 301 та объектга 313,7 миллиард сўм йўналтирилади. Айни пайтда ичимлик суви таъминоти соҳасида умумий қиймати 140,2 миллиард сўмга тенг 148 та, электр энергияси таъминотида 12,4 миллиард сўмлик 48 та, газ таъминотида 0,9 миллиард сўмлик 8 та, оқова сув таъминотида 1 миллиард сўмлик 3 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Шунингдек, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурига Қашқадарёнинг шаҳар ва туманлари маҳаллаларидаги умумтаълим мактабларидан 2,3 миллиард сўмлик 9 та объект, мактабгача таълим ташкилотларидан 4,2 миллиард сўмлик 3 та объект, спорт иншоотларидан, 3 миллиард сўмлик 2 та объект ва умумий қиймати 50,9 миллиард сўмлик яна 99 та бошқа объектлар киритилган. 2022 йил учун молиялаштириш ҳажми 202,6 миллиард сўмни ташкил қилади. Шу билан бирга дастур доирасидаги қурилиш-таъмирлаш ишлари вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" жамғармалари орқали молиялаштирилади.

Ушбу қарорга мувофиқ ҳозирдан кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Жумладан, Ғузор ва Қамаши туманларида ички йўлларга қум-шағал ётқизиш, электр ва газ хизматлари, кўчат экиш ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Бу борада янги ташкил қилинган Кўкдала туманида ҳам дастур асосида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

**Жиззах вилояти**

## Мавсум сусткашликни хушламайди

**Фозилжон ҚОСИМОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori"мухбири.

**Жиззах вилоятида куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, хусусан, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш, хонадонлар ва ижтимоий соҳа объектларини ҳозирлаш бўйича олиб борилаётган ишлар вилоят прокуратураси томонидан назоратга олинган.**

Кўп қаватли уйлар ҳамда ижтимоий соҳа объектлари, таълим муассасалари, касалхоналар ҳамда бошқа биноларни тайёрлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Вилоятда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси томонидан бу йил 179 та уй-жой фондини мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари юзасидан 137 та уйнинг том қисми, 312 та кириш йўлаклари, 1010 та электр қутиларини мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда 297 та темир эшиклар, 206 та кодли қулфлар ўрнатиш ишлари амалга оширилган.

Шуни ҳам таъкидлаш керак, вилоятда 2 272 та кўп квартирали уйларга, Президентимизнинг 2021 йил 19 июндаги қарорига асосан, муқаддам фаолият олиб борган 156 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўрнига, 29 та бошқарув ташкилотлари ташкил этилган.

2022 йилнинг 9 ойлик ҳисоботида ушбу бошқарув ташкилотлари томонидан ўзларига бириктирилган кўп квартирали уйларни сақлаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига 700 млн сўмдан ортиқ маблағ сарфланган. Масалан, Жиззах шаҳрининг Иттифоқ маҳалласидаги 65 та кўп қаватли уйларга "Иттифоқ истиқлол сари" МЧЖ хизмат кўрсатиши белгиланган. Уйларда иссиқлик тизимини яхшилаш учун бу йил қозонхона қурилиши белгиланган ва 11,8 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб, 9,5 млрд сўм маблағ молиялаштирилган. Қурилиш ишлари белгиланган режага асосан тўлиқ якунланган ва бу аввал иситиш тизимига уланмаган 31 та кўп квартирали уйларда аҳолига қулай шароитлар яратади.

## Янгиободда ўзгаришлар палласи

**"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари асосида Янгиобод туманидаги Шодлик маҳалласида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида ҳудуд инфратузилмаси янада яхшиланмоқда.**

Хусусан, 1,550 млрд сўм маблағ эвазига 4 километр ичимлик сув тармоғи ётқизилиб, 1 та иншоот қурилди. Шунингдек, 6 километр электр тармоғи тортилиб, 110 дона бетон устунлар ўрнатилди ҳамда 700 метр газ тармоғи тортилиб, 4 та газ тақсимлаш пунктлари ўрнатилди.

Ҳудудда алоқа сифатини яхшилаш борасида 1,2 километр оптик толали интернет тармоқлари тортилди. Бундан ташқари, маҳалланинг ички йўллари асфальт ҳамда цемент-бетон қопламали йўлларга айлантирилди. Бу каби бунёдкорлик ишлари туманнинг барча ҳудудларида босқичма-босқич давом этмоқда.

Бундан ташқари, республика бюджетидан тумандаги Баландчақир ҳамда Ҳавотоғ маҳаллалари учун 2 млрд сўмдан маблағ ажратилди. Натижада ҳар иккала маҳаллада йўл-транспорт инфратузилмаси тизимини яхшилаш бўйича қатор ишлар олиб борилди.

## Аёллар интернат уйи қурилди

**Президентимизнинг 2022 йил 30 августдаги ПҚ-365-сонли қарорига мувофиқ, 41,1 млрд сўм бюджет маблағлари ҳисобига Шароф Рашидов туманида ногиронлиги бўлган аёллар учун "Мурувват" интернат уйи янгидан қуриб, фойдаланишга топширилди.**

300 ўринга мўлжалланган замонавий бинода физиотерапия, стоматология, меҳнат терапияси, сартарошхона, ошхона, кутубхона, сунъий қопламали стадион, спорт зал ва 200 ўринга мўлжалланган фаоллар залида барча шароитлар яратилган.

## Ҳашар элга ярашар

**Фориш туманидаги Оқтом маҳалласида ҳашар йўли билан ички йўлларни таъмирлаш ишларига киришилди.**

Шу кунларда 2 километр йўллар кенгайтирилиб, текисланяпти ва қум-шағал ётқизилмоқда. Ҳудудга яқин жойда қум-шағал карьерининг мавжудлиги мақсадга эришишда бош омил бўляпти.

**Наманган вилояти**

## Янги кодекс тарғиботи бўйича тадбир

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Наманганда янги таҳрирда қабул қилинган Меҳнат кодекси бўйича қатор тарғибот-тушунтириш тадбири ташкил этилди. Уларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этишди. Шундай тадбирлардан бири Тўрақўрғон туманида ўтказилди.**

– Анжуман менда катта таассурот қолдирди, – деди туман қурилиш бўлими бошлиғи Адҳамжон Худойбердиев. – Меҳнат кодексига киритилган асосий меъёрларни билиб олганимиз яхши бўлди. Қолаверса, иш вақти тартибининг турли хил кўринишлари ва ҳисобга олишнинг ҳар-хил турларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилганлигидан хабардор бўлдик. Хизмат текширувларини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари ва тартиблари аниқ белгилаб қўйилгани ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Янгиланган кодекс фаолиятимиз самарадорлигини оширишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

## Ўнҳаятликлар бунёдкорлардан мамнун

**Уйчи туманидаги Ўнҳаят маҳалласи тобора ободонлашиб, аҳоли турмуш фаровонлиги ошмоқда. "Обод маҳалла" дастури доирасида қурувчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан қисқа муддатда кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари бажарилди.**

Жумладан, 5,6 километр масофада янги ичимлик сув тармоғи тортилиб, 5,5 километр ички йўллар таъмирланди. Шунингдек, 90 та темир-бетон таянчлар ўрнатилиб, салкам уч километр электр узатиш тармоғи тортилди. Маҳалладаги 3-мактаб, 64-МТТ бинолари мукаммал таъмирлангандан сўнг янги қиёфа касб этди. Фуқаролар йиғини учун ҳам идоранинг янги биноси қад ростлади.

## Энди ичимлик суви муаммо эмас

**Янги Наманган туманининг Саховат маҳалласида қурилган "Ёшлик" сув иншооти фойдаланишга топширилди.**

Унга Янгиқўрғон туманининг Булоқбоши қишлоғидаги ер ости манбаларидан тармоқ тортиб келинди. Ушбу иншоотда ҳар бирининг ҳажми 5 000 кубометр бўлган 2 та тозалаш иншооти, сувни сақлаш ҳовузлари қурилди. Бундан ташқари, 200 километр атрофида ички тармоқлар тортилди. Уларга уланган мижозлар учун замонавий ҳисоблагичлар ўрнатилди.

## Ўқувчиларнинг вақти тежаладиган бўлди

**Мингбулоқ туманидаги Чордона маҳалласида янги мактаб қурилиши ниҳоясига етмоқда. Бунёдкорлик ишларини "Газтаъмирпардоз" МЧЖ бинокорлари олиб боришяпти.**

13 млрд сўм эвазига қад кўтараётган таълим маскани 330 ўринга мўлжалланган. Ҳозиргача мазкур ҳудудда яшовчи ўқувчилар қарийб 4 километр масофадан бошқа мактабга қатнашарди. Тез орада уларнинг бу муаммолари ечим топади.

# ESHITISH TUYNUKLARI HAQIDA NIMALARNI BILAMIZ?

**Baxtiyor MIRZO,**
Andijon iqtisodiyot va qurilish instituti katta o‘qituvchisi.

**Bino va inshootlar qurilishida tomlar hamda tomqoplamalar asosiy konstruktiv elementlar hisoblanadi. Tomlar – bino va inshootlarni iqlimiy omil va ta’sirlardan himoya qilish uchun mo‘ljallangan ustki to‘siqdir. Eshitish tuynuklari esa – nishabli tomlar qurilishida ko‘p qo‘llaniladi. Eshitish tuynugi tomga yoki tomqoplamaga *(кровля–рус.)* chiqish, chordoqni shamollatish va yorug‘lik tushishini ta’minlash uchun xizmat qiladi. Eshitish tuynuklariga derazalar *(1-rasm)* yoki yog‘och, metall va plastmassa materiallardan tayyorlangan panjarali to‘siqlar o‘rnatilishi mumkin.**

Amaliyotda quyidagi turdagi eshitish tuynuklari ko‘p uchraydi:

**1-rasm.**




*a) uchburchak shaklli; b) to‘rtburchak yoki ko‘pburchak shaklli; d) arkasimon shaklli; e) tekis (плоский) shaklli.*

Eshitish tuynugi atamasini birinchi marta eshitgan odam nimani eshitish uchun ekan, deb o‘ylashi tabiiy. Nimaga bu tuynuklar *(derazalar)* eshitish tuynugi deb ataladi?

Eshitish tuynugi atamasi bizga rus arxitekturasi orqali kirib kelgan. Rus arxitekturasida bu atama 1817-yildan qo‘llanila boshlangan. Aytishlaricha, Napoleon Frantsiyasi ustidan qozonilgan g‘alaba sharafiga Moskvada Manej qurilgan. Bu qurilishdagi tom ishlari uchun Sluxov degan mahalliy usta mas’ul bo‘lgan. Uning ustaxonasi o‘sha paytda o‘zining tom ishlari bilan mashhur edi. Manejning barcha tomlari va frontonlari dastlab yopiq *(глухой-рус.)* holda bo‘lgan (*fronton – bino fasadining ikki nishabli tom bilan chegaralangan uchburchak yoki arkasimon yuqori qism devori. Fronton devoriga deraza ham o‘rnatish mumkin*). Kuchli issiq tufayli chordoq havosi qizib ketadi va tom deformatsiya bo‘la boshlaydi. Imperator Aleksandr I zudlik bilan tomni qayta qilishga buyruq beradi. Bunda aytilishicha, aynan usta Sluxov vaziyatdan chiqish yo‘lini topadi. U tomga shamollatish uchun bir nechta derazalar o‘rnatadi va shu bilan tarixga o‘z nomini yozdirib qo‘yadi. Shundan keyin bu derazalar ustaning familiyasi bilan atala boshlandi – Sluxov derazalari *(Слуховые окна-рус.)*.

O‘zbekistonda esa shu va shu kabi tom derazalari – eshitish tuynuklari deb yuritilishi qabul qilingan. Qurilishda uchburchak turdagi *(2-rasm)* eshitish tuynuklari ko‘proq qo‘llaniladi.

**2-rasm.**




**QMQ 2.03.10-19 “Tomlar va tomqoplamalar” 2.16-bandiga sharh:**

2.16. Sovuq chordoqni shamollatish uchun tomqoplamada *(в кровле)* eshitish tuynuklari *(слуховые окна)* yoki tashqi devorlarda tuynuklar *(отверствия)* ko‘zda tutish kerak. Bunda, binoning har bir bo‘ylama tomonida tuynuklar maydonini chordoq yopmasi maydoniga nisbati III qurilish-iqlim zonalarida kamida 1/500 va I va II zonalar uchun kamida 1/50 bo‘lishi kerak. Ochiq chordoq devorlaridagi shamollatish tuynuklarining o‘lchamlari hisob bilan aniqlanadi.

Turar joy binolarida binoning har bir bo‘ylama tomonida tuynuklar-darchalar *(отверствия-рус.)* maydonini chordoq yopmasi maydoniga nisbati 4 qavatli binolarda kamida 1/30 va 9 qavat va undan yuqori binolarda kamida 1/16 bo‘lishi kerak.

**1-Misol:** 3 qavatli ma’muriy bino berilgan. O‘lchamlari o‘qlar bo‘yicha 15x30 m. Bino tashqi devorlari 75 markali pishiq g‘ishtdan. Tashqi devorlar qalinligi 380 mm. Tom shamollatiladigan, sovuq chordoqli. Chordoq 4 nishabli.

Chordoq yopmasining maydoni: 15,38 x 30,38 = 467,2 m2.

Qurilish-iqlim zonasi – II.

Eshitish tuynuklari maydonini shartli “***x***” deb olamiz. Binoning har bir bo‘ylama tomonida tomga o‘rnatiladigan eshitish tuynuklari sonini aniqlaymiz.

QMQ 2.03.10-19 “Tomlar va tomqoplamalar” 2.16-band bo‘yicha 1/50 shart bajarilishi kerak.

$$x/467{,}2 \geq 1/50 \longrightarrow x \geq 467{,}2/50 \longrightarrow x \geq 9{,}3$$

**3-rasm.**




Demak, binoning bir bo‘ylama tomonida eshitish tuynuklarining maydonini 9,3 dan katta qabul qilsak bo‘ladi.

Uchburchak yuzali (3-rasm) bitta eshitish tuynugining maydoni: 2,4 x 4 = 9,6 m2.

**Xulosa:** binoning har bir bo‘ylama tomonida tomga maydoni 2,4 m2 bo‘lgan 4 tadan eshitish tuynugi o‘rnatishimiz kerak ekan (4-rasm).

**4-rasm. Binoning har bir bo‘ylama tomonida tomda o‘rnatilgan eshitish tuynuklari.**



**2-Misol:** 4 qavatli turar joy binosi berilgan. O‘lchamlari o‘qlar bo‘yicha 12x30 m. Bino tashqi devorlari 75 markali pishiq g‘ishtdan. Tashqi devorlar qalinligi 380 mm. Tom shamollatiladigan, sovuq chordoqli. Chordoq 4 nishabli.

Chordoq yopmasining maydoni: 12,38 x 30,38 = 376,1 m2.

Eshitish tuynuklari maydonini shartli “***x***” deb olamiz. Binoning har bir bo‘ylama tomonida tom devorlariga o‘rnatiladigan tuynuklar (отверствия) sonini aniqlaymiz.

QMQ 2.03.10-19 “Tomlar va tomqoplamalar” 2.16-band bo‘yicha “4 qavatli turar joy binolarda kamida 1/30” shart bajarilishi kerak.

$$x/376{,}1 \geq 1/30 \longrightarrow x \geq 376{,}1/30 \longrightarrow x \geq 12{,}54$$

**5-rasm.**




Tuynuklar tashqi bo‘ylama devorlarga o‘rnatiladi. Bitta tuynukni o‘lchamlarini 1,20x0,6 m deb qabul qilsak *(5-rasm)*, yuzasi 0,72 m2 bo‘ladi. $x \geq 12{,}54$ shart bajarilishi uchun jami tuynuklar 18 ta bo‘lishi kerak. Shunda umumiy yuzasi 12,96 m2 bo‘ladi. Bu holda 12,96>12,54 bo‘lib, me’yor talabi bo‘yicha o‘rnatilgan 1/30 shart bajarilyapti.

**Xulosa:** binoning har bir tomoniga, tom devorlariga maydoni 0,72 m2 bo‘lgan 18 tadan eshitish tuynuklari (отверствия) o‘rnatishimiz kerak ekan.

## Gazobeton bloklarining o‘ziga xosligi:
# ZICHLIGI, CHIDAMLILIGI VA MUSTAHKAMLIGI

**Bahrom HASANOV,**
dotsent, PhD.
**Saida’zam SAYDALIYEV,**
Toshkent arxitektura-qurilish instituti talabasi.

**O‘zbekiston Respublikasi qurilish sanoatida gazobeton bloklarning turlari kundan-kunga kengaymoqda. Gazobeton bloklari turlariga e’tibor bersak, ularning tasnifi juda keng bo‘lib, ma’lum ko‘rsatkichlar va omillarga asoslanadi. Mahsulot turli xil o‘rtacha zichlik ko‘rsatkichlariga ega bo‘lishi mumkin.**

**1-rasm. Turli o‘rtacha zichlikdagi bloklar, Geometrik og‘ishlar uchun KMK 2.01.04-2018.**




Gazobeton bloklarning turlari:

– 300-400 (kg/m3) o‘rtacha zichligi bilan xarakterlangan materialga issiqlik izolyatsiya qiluvchi deyiladi. Albatta, u og‘irlik va yuklarga bardosh bera olmaydi, lekin u issiqlikni izolyatsiya qiluvchi material sifatida juda mos keladi;

– strukturaviy va issiqlikni izolyatsiya qiluvchi turi iste’molchilar orasida keng tarqalgan. Bu turdagi gazobeton 500-900 (kg/m3) o‘rtacha zichlikka ega. Ushbu ko‘rsatkich binolarning xonalari va devorlarini qurishda gazobeton bloklardan foydalanish uchun asos bo‘ladi;

– mahsulotning konstruktiv turi uchun 1000-1200 kg/$m^3$ o‘rtacha zichlik xosdir. Ular sezilarli yukka bardosh bera oladigan yuk ko‘taruvchi boshqa to‘suvchi konstruktsiyalarni qurishda foydalanish uchun yetarlicha bardoshli.

Gazobeton bloklarning yana bir turi mahsulotlarni ishlab chiqarishda qo‘llaniladigan qotib qolish usuliga asoslangan:

a) material avtoklavlarda ishlov berish sharoitida sifatli mustahkamlikka ega bo‘lishi mumkin. Bunday sharoitlarda bloklar atmosfera bosimidan yuqori harorat va bosimga duch keladi. Bunday bloklarni o‘z qo‘llaringiz bilan yoki uy sharoitida tayyorlash mumkin emas. Bu turdagi gazobetonni faqat zavodlarda ishlab chiqarish mumkin;

b) avtoklavlanmagan bloklar tabiiy ravishda vaqt o‘tgan sari qotib qattiqlashib boraveradi. Qotish jarayonini tezlashtirish va ba’zi xususiyatlarning ishlashini yaxshilash uchun mahsulotga issiqlik hamda namlik bilan ishlov berish mumkin.

Avtoklavlangan bloklar odatda avtoklavlanmagan bloklardan bir necha xossalari bilan ustundir. Sintez qotishi natijasida olingan gazobeton bloklarining chidamliligi ancha yuqori. Bundan tashqari, ularning afzalligi – eng yaxshi geometrik shakl, mustahkamlik, o’rtacha zichlik va sovuqqa chidamliligidir.

Gazobeton bloklarning geometrik shakli uning quyidagi turlarini belgilaydi:

– birinchi toifadagi mahsulotlar eng yaxshi geometrik shaklga ega. Bu toifada ularga yuqori talablar qo‘yiladi. Og‘ishlar hajmi 1,5 mm dan oshmasligi kerak. Bunday bloklarni yotqizish minimal mumkin bo‘lgan yelim qalinligi ustida amalga oshiriladi;

– ikkinchi toifa mahsulotning aniqligi ruxsat etilgan katta og‘ishlar bilan tavsiflanadi. Og‘ishlar hajmi 2 mm gacha. Bundan tashqari, mahsulotning 2 donadan ko‘p bo‘lmagan shikastlangan burchaklari va chetlariga ruxsat beriladi. Yotqizish ham yelim, ham beton qorishma ustida amalga oshiriladi;

– uchinchi toifa ko‘pincha xo‘jalik xonalarini qurish uchun ishlatiladi. Og‘ishlar hajmi 0,7 mm ga yetishi mumkin.

Uchinchi turdagi gazobeton bloklari beton qorishma ustiga yotqiziladi. Qorishma qalinligi kichik bo‘lmaydi va natijada sovuqning yo‘li oshadi. Shuning uchun konstruktsiya jiddiy izolyatsiyani talab qiladi. Ko‘p jihatdan, bu yuqorida ko‘rsatilgan kamchiliklarga ega gazobeton bloklardan foydalanishni anglatadi. Mahsulotlarni ishlab chiqarishda, aniqrog‘i, ular uchun qorishmalar, boshqa turdagi bog‘lovchilardan foydalanish mumkin. Bog‘lovchi sifatida quyidagi qurilish materiallarini keltirish mumkin: sement, shlaklar, ohak, kul. Bundan tashqari, bog‘lovchilar aralash bo‘lishi ham mumkin. Kremnezemist komponentining turi asosan ba’zi ko‘rsatkichlarga ta’sir qiladi. Bu quruq holatdagi mahsulotlarning zichligi va issiqlik o‘tkazuvchanligi nisbati uchun amal qiladi. Komponentlari qum, yuqori asosli kul, sanoatning ikkilamchi mahsulotlari hisoblanadi.

Maqsadiga ko‘ra bloklar quyidagi turlarga bo‘linadi:

a) bo‘linmalar uchun. Nomidan ko‘rinib turibdiki, ular xona bo‘linmalarini qurishda ishlatiladi. Gazobeton bloklarning qalinligi bo‘lishi mumkin bo‘lgan o’lchamlar: 75 mm, 100 mm, 120 mm, 150 mm;

b) tashqi devorlar uchun. Devorlarni qurish uchun mo‘ljallangan gazobeton bloklarning o‘lchamlari quyidagicha bo‘lishi mumkin: 625 (600) * 250 (200) * 300 (400);

c) gazogan beton. U shaklidagi bloklar ko‘pincha qattiq qoliplarni yaratish uchun ishlatiladi. Masalan, armokamar o‘rnatishda. Bundan tashqari, ular peremichka moslamalarini o‘rnatishda ham ishlatiladi.

O‘zbekiston hududining asosiy qismi (85%) tekislik bo‘lib, hududining katta qismini cho‘kindi jinslar egallaydi. Foydali qazilmalarni markaziy hududlarga tashish katta transport xarajatlarini talab qiladi, bu esa ushbu materiallarning yuqori, doimiy o‘sib borayotgan narxini belgilaydi. Ayni paytda respublikada qurilish materiallari va buyumlari ishlab chiqaruvchi 10 mingdan ortiq korxona faoliyat yuritmoqda. Ma’lumotlarga ko‘ra, bugungi kunda respublika hududida to‘plangan texnogen chiqindilar miqdori 2 milliard tonnadan oshadi va bu birinchi navbatda ekologik xavfsizlikka salbiy ta’sir ko‘rsatmoqda. Sanoat chiqindilarining ko‘p miqdorda to‘planishi muammosini hal qilishning eng samarali usullaridan biri – qurilish materiallari va mahsulotlarini ishlab chiqarishda ularni to‘ldiruvchi yoki modifikatsiya qiluvchi qo‘shimchalar sifatida qayta ishlashdir. Texnogen chiqindilardan ikkilamchi resurs sifatida foydalanish nafaqat atrof-muhitning chiqindilar bilan ifloslanishini kamaytirishga, balki birlamchi xomashyoni tejash bilan yuqori sifatli mahsulot olish imkonini ham beradi. Bu esa ishlab chiqarish tannarxini kamaytiradi.

**1-jadval**

| Geometrik parametrning og‘ish nomi | Oldingi og‘ishlar (mm) | | |
|---|---|---|---|
| | Yelimga yotqizish uchun bloklar | Beton qorishmaga yotqizish uchun bloklar | |
| | 1 turi | 2 turi | 3 turi |
| Chiziqli o‘lchamlardan chetga chiqishi | | | |
| balandligi bo‘yicha | ±1 | ±3 | ±5 |
| uzunligi, qalinligi | ±2 | ±4 | ±6 |
| to‘rtburchaklar shaklidan og‘ish (diagonal uzunlik farqi) | 2 | 4 | 6 |
| yuzalar va qirralarning og‘ishi | 1 | 3 | 5 |
| Burchaklar va qovurg‘alarning shikastlanishi | | | |
| bir blokdan ko‘p bo‘lmagan chuqurlikdagi burchaklar | 5 | 10 | 15 |
| umumiy uzunligi qovurg‘aning uzunligi va chuqurligidan ikki baravar ko‘p bo‘lmagan bitta blokdagi qovurg‘alar | 5 | 10 | 15 |

Sanoat chiqindilari asosida g‘ovak betonlar ishlab chiqarish uchun xomashyo bazasini kengaytirish lozim. Buning uchun alyuminiy oksidi sanoat loylari va ayniqsa, qizil loylar alohida qiziqish uyg‘otadi. Tadqiqotlar shuni ko‘rsatdiki, ishqorlarni o‘z ichiga olgan qizil loy mikrosilikat bilan birgalikda qoliplangan mahsulotlarda ko‘pikli beton aralashmasining strukturaviy mustahkamligi to‘plamini kuchaytirishga, ko‘pikli betonda neoplazmalarning fizik va mineralogik tarkibini yaxshilashga va uning mustahkamligini oshirishga yordam beradi.

Ilmiy adabiyotlarni o‘qib qilgan tahlilimiz va analizimiz shuni ko‘rsatdiki, yengil betonlarni ikkilamchi sanoat chiqindilari yordamida zichligi 1100-1200 kg/m3 va quvvati 8,0-8,5 MPa, bo‘lgan gazobeton ishlab chiqarishning texnologik sxemalari yordamida ikkilamchi mahsulotlar va uchuvchi kul yordamida yengil beton ishlab chiqarish va zichligi 600-700 kg / m3 va quvvati 1,4-2,0 MPa bo‘lgan qisqarmaydigan ikkilamchi sanoat chiqindilari yordamida ishlab chiqariladigan gazobeton yaratish yo‘llari o‘rganib chiqilgan.

Yuqorida aytilganlarga asoslangan holda, biz texnogen chiqindilarni qo‘shib, yuqori mustahkamlikga ega gazobetonni olish imkoniyati haqida gepotiza qilishimiz mumkin. O‘zbekiston sharoitida gazobetonning ratsional tarkibini ishlab chiqish yo‘li bilan Angren IES dan uchuvchi kul qo‘shgan holda gazobeton ishlab chiqarish mumkin. Bu respublikaning shaharlari va qishloq joylarida turar joy binolari qurishning umumiy qiymatining pasayishiga olib keladi.



# "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

## бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога "LOMBARD VENERA–KREDIT" МЧЖнинг 2022 йил 17 ноябрдаги 2-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги хусусий нотариал идоранинг 2022 йил 2 июль ва 20 сентябрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 5-мавзе, 29-уй, 2-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлар номи | Бошланғиич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 3286 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн. 6 кам. нет, о.в. 1,76 гр., ч.в. 0,60 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 1,70 гр., ч.в. 1,40 гр., 583 пр. Общим весом 3,46 гр. Чистым весом 2,00 гр. | 915 282,74 |
| 2. | 3300 | Цепь деф. погн. паян. о.в. 20,45 гр., ч.в. 20,45 гр., 583 пр. Общим весом 20,45 гр. Чистым весом 20,45 гр. | 8 681 692,00 |
| 3. | 3414 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 3,10 гр., ч.в. 2,00 гр., 583 пр. Общим весом 3,10 гр. Чистым весом 2,00 гр. | 942 466,00 |
| 4. | 3452 | Серьги деф. погн., о.в. 3,30 гр., ч.в. 3,30 гр., 583 пр.; кольцо деф. погн., о.в. 1,65 гр., ч.в. 1,65 гр., 583 пр.; кольцо деф. погн., о.в. 1,75 гр., ч.в. 1,75 гр., 583 пр.; кольцо деф. погн., о.в. 4,40 гр., ч.в. 4,40 гр., 583 пр. Общим весом 11,10 гр. Чистым весом 11,10 гр. | 4 227 720,17 |
| 5. | 3640 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 9,10 гр., ч.в. 8,50 гр., 583 пр. Общим весом 9,10 гр. Чистым весом 8,50 гр. | 2 911 945,80 |
| 6. | 3846 | Цепь с деф. погн. + кулон с деф. погн., о.в. 3,20 гр., ч.в. 2,20 гр., 375 пр.; серьги с бел. кам. с деф. погн., о.в. 3,85 гр., ч.в. 2,80 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 2,30 гр., ч.в. 1,70 гр., 583 пр. Общим весом 9,35 гр. Чистым весом 6,70 гр. | 2 300 860,00 |
| 7. | 3847 | Браслет с деф. погн., о.в. 3,45 гр., ч.в. 3,45 гр., 583 пр.; цепь с деф. погн., о.в. 7,80 гр., ч.в. 7,80 гр., 583 пр. Общим весом 11,25 гр. Чистым весом 11,25 гр. | 4 356 356,39 |
| 8. | 3949 | Кольцо с сир. кам. с деф. погн., о.в. 3,75 гр., ч.в. 2,20 гр., 583 пр. Общим весом 3,75 гр. Чистым весом 2,20 гр. | 963 625,50 |
| 9. | 3965 | Цепь с деф. погн. хруп., о.в. 2,65 гр., ч.в. 2,65 гр., 583 пр. Общим весом 2,65 гр. Чистым весом 2,65 гр. | 1 191 924,08 |
| 10. | 4140 | Цепь деф. погн., о.в. 11,16 гр., ч.в. 11,16 гр., 583 пр. Общим весом 11,16 гр. Чистым весом 11,16 гр. | 5 066 902,00 |
| 11. | 4155 | Серьги с деф. погн., о.в. 2,15 гр., ч.в. 2,15 гр., 375 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 1,55 гр., ч.в. 1,20 гр., 583 пр.; кольцо с деф. погн., о.в. 1,60 гр., ч.в. 1,60 гр., 583 пр.; браслет с деф. погн. хруп. о.в. 6,75 гр., ч.в. 6,75 гр., 583 пр. Общим весом 12,05 гр. Чистым весом 11,70 гр. | 4 900 252,00 |
| 12. | 4259 | Серьги с бел. кам. деф. погн., о.в. 3,98 гр., ч.в. 3,38 гр., 583 пр. Общим весом 3,98 гр. Чистым весом 3,38 гр. | 1 493 905,80 |
| 13. | 4275 | Цепь с деф. погн., о.в. 10,16 гр., ч.в. 10,16 гр., 583 пр. Общим весом 10,16 гр. Чистым весом 10,16 гр. | 4 316 613,40 |
| 14. | 4284 | Цепь (с деф. погн. слом. частей нет хруп.)+кулон(с бел. кам. с деф. погн) о.в. 9,90 гр., ч.в. 8,70 гр., 583 пр.; кольцо (с бел. кам. с деф. погн.), о.в. 6,05 гр., ч.в. 5,20 гр., 583 пр.; серьги(с бел. кам. с деф. погн.), о.в. 6,85 гр., ч.в. 5,80 гр., 583 пр. Общим весом 22,80 гр. Чистым весом 19,70 гр. | 8 445 352,00 |
| 15. | 4321 | Кольцо с бел. син. кам., о.в. 4,00 гр., ч.в. 3,40 гр., 583 пр. Общим весом 4,00 гр. Чистым весом 3,40 гр. | 1 349 584,07 |
| 16. | 4381 | Цепь деф. погн., о.в. 6,30 гр., ч.в. 6,30 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. деф. погн., о.в. 1,75 гр., ч.в. 1,50 гр., 583 пр. Общим весом 8,05 гр. Чистым весом 7,80 гр. | 2 540 031,48 |
| 17. | 4442 | Серьги с чер. кам. деф. погн., о.в. 4,49 гр., ч.в. 1,45 гр., 583 пр.; кольцо с бел. зел. кам. деф. погн., о.в. 3,34 гр., ч.в. 3,00 гр., 583 пр. Общим весом 7,83 гр. Чистым весом 4,45 гр. | 1 733 902,00 |
| 18. | 4468 | Цепь с биркой, о.в. 19,80 гр., ч.в. 19,65 гр., 583 пр. Общим весом 19,80 гр. Чистым весом 19,65 гр. | 8 395 054,00 |
| 19. | 4471 | Кольцо с оран. кам. с деф. погн., о.в. 2,20 гр., ч.в. 1,00 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 2,60 гр., ч.в. 2,10 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 4,10 гр., ч.в. 3,60 гр., 583 пр. Общим весом 8,90 гр. Чистым весом 6,70 гр. | 2 834 691,91 |
| 20. | 4662 | Кольцо с бел. кам., о.в. 4,40 гр., ч.в. 3,50 гр., 583 пр. Общим весом 4,40 гр. Чистым весом 3,50 гр. | 1 558 737,70 |
| 21. | 4729 | Серьги хруп. о.в. 2,80 гр., ч.в. 2,80 гр., 583 пр. Общим весом 2,80 гр. Чистым весом 2,80 гр. | 1 332 427,00 |
| 22. | 4746 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 2,20 гр., ч.в. 1,60 гр., 583 пр.; серьги с деф. погн., о.в. 5,65 гр., ч.в. 5,65 гр., 583 пр. Общим весом 7,85 гр. Чистым весом 7,25 гр. | 3 339 802,00 |
| 23. | 4762 | Цепь (14к) с деф. погн. + кулогн. с бел. кам. с деф. погн., о.в. 11,45 гр., ч.в. 10,20 гр., 583 пр. Общим весом 11,45 гр. Чистым весом 10,20 гр. | 3 112 552,00 |
| 24. | 4775 | Колье с бел. кам. с деф. погн., о.в. 6,80 гр., ч.в. 6,40 гр., 585 пр.; цепь с бел. кам. с деф. погн. хруп. о.в. 37,20 гр., ч.в. 32,70 гр., 583 пр. Общим весом 44,00 гр. Чистым весом 39,10 гр. | 17 505 052,00 |
| 25. | 4921 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 1,95 гр., ч.в. 1,50 гр., 583 пр.; кольцо с деф. погн., о.в. 2,50 гр., ч.в. 2,50 гр., 583 пр.; серьги с деф. погн., о.в. 2,75 гр., ч.в. 2,75 гр., 583 пр. Общим весом 7,20 гр. Чистым весом 6,75 гр. | 3 112 552,00 |
| 26. | 4938 | Кольцо, о.в. 1,94 гр., ч.в. 1,94 гр., 583 пр.; браслет деф., о.в. 4,70 гр., ч.в. 4,70 гр., 583 пр.; цепь деф., о.в. 7,28 гр., ч.в. 7,28 гр., 583 пр. Общим весом 13,92 гр. Чистым весом 13,92 гр. | 5 991 052,00 |
| 27. | 4991 | Кольцо с деф. погн., о.в. 3,20 гр., ч.в. 3,20 гр., 583 пр. Общим весом 3,20 гр. Чистым весом 3,20 гр. | 1 514 227,00 |
| 28. | 5007 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 3,60 гр., ч.в. 2,70 гр., 583 пр.; серьги с бел. кам. с деф. погн., о.в. 3,95 гр., ч.в. 2,20 гр., 583 пр. Общим весом 7,55 гр. Чистым весом 4,90 гр. | 2 279 302,00 |
| 29. | 5016 | Серьги с бел. кам. с деф. погн. поян. о.в. 6,00 гр., ч.в. 4,50 гр., 583 пр. Общим весом 6,00 гр. Чистым весом 4,50 гр. | 2 097 502,00 |
| 30. | 5025 | Серьги с бел. син. кам. с деф. погн., о.в. 3,70 гр., ч.в. 2,50 гр., 375 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 1,00 гр., ч.в. 0,70 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 1,15 гр., ч.в. 0,80 гр., 583 пр.; кольцо обруч., о.в. 2,90 гр., ч.в. 2,90 гр., 583 пр.; браслет деф. погн. хруп. о.в. 2,10 гр., ч.в. 2,10 гр., 583 пр.; цепь с деф. погн. хруп. о.в. 3,45 гр., ч.в. 3,45 гр., 583 пр. Общим весом 14,30 гр. Чистым весом 12,45 гр. | 4 861 385,58 |
| 31. | 5083 | Серьги хруп. о.в. 4,48 гр., ч.в. 4,48 гр., 583 пр.; кольцо деф., о.в. 9,13 гр., ч.в. 9,13 гр., 375 пр.; серьги с зел. кам. деф. погн., о.в. 1,50 гр., ч.в. 0,90 гр., 583 пр. Общим весом 15,11 гр. Чистым весом 14,51 гр. | 4 532 606,95 |
| 32. | 5094 | Кольцо с бел. кам. деф. погн., о.в. 2,20 гр., ч.в. 0,80 гр., 375 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 1,80 гр., ч.в. 1,50 гр., 583 пр.; серьги с бел. кам. деф. погн., о.в. 2,95 гр., ч.в. 2,30 гр., 583 пр.; браслет деф. погн., о.в. 3,70 гр., ч.в. 3,70 гр., 583 пр. Общим весом 10,65 гр. Чистым весом 8,30 гр. | 3 450 548,50 |
| 33. | 5239 | Серьги с фиол. кам. деф. погн. 14 к, о.в. 7,75 гр., ч.в. 3,00 гр., 583 пр.; серьги с бел. кам. деф. погн. хруп. о.в. 4,20 гр., ч.в. 2,60 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. деф. погн. хруп. о.в. 2,09 гр., ч.в. 1,29 гр., 583 пр. Общим весом 14,04 гр. Чистым весом 6,89 гр. | 2 476 252,00 |
| 34. | 5594 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 2,30 гр., ч.в. 1,80 гр., 583 пр.; серьги с деф. погн., о.в. 3,40 гр., ч.в. 3,40 гр., 583 пр.; серьги с деф. погн. хруп. о.в. 2,35 гр., ч.в. 2,35 гр., 583 пр. Общим весом 8,05 гр. Чистым весом 7,55 гр. | 2 710 228,60 |
| 35. | 5613 | Кольцо с бел. кам., 2 кам. нет с деф. погн., о.в. 3,65 гр., ч.в. 2,90 гр., 583 пр.; кольцо обруч. с деф. погн., о.в. 1,40 гр., ч.в. 1,40 гр., 583 пр.; браслет с деф. погн. хруп. о.в. 3,55 гр., ч.в. 3,55 гр., 583 пр.; браслет с деф. погн. хруп. о.в. 3,50 гр., ч.в. 3,50 гр., 583 пр. Общим весом 12,10 гр. Чистым весом 11,35 гр. | 5 082 052,00 |
| 36. | 5618 | Браслет с деф. погн., о.в. 6,30 гр., ч.в. 6,30 гр., 583 пр.; цепь с деф. погн., о.в. 12,70 гр., ч.в. 12,70 гр., 585 пр. Общим весом 19,00 гр. Чистым весом 19,00 гр. | 8 566 552,00 |
| 37. | 5668 | Кольцо с бел. кам. деф. погн., о.в. 2,75 гр., ч.в. 2,00 гр., 583 пр.; серьги с бел. кам. с джеф. погн., о.в. 4,80 гр., ч.в. 3,30 гр., 583 пр. Общим весом 7,55 гр. Чистым весом 5,30 гр. | 2 355 052,00 |
| 38. | 5740 | Браслет с бел. зел. кам. штамп. хруп. деф. о.в. 7,00 гр., ч.в. 6,40 гр., 583 пр. Общим весом 7,00 гр. Чистым весом 6,40 гр. | 1 521 196,00 |
| 39. | 5758 | Серьги деф. погн. поян. о.в. 6,75 гр., ч.в. 6,75 гр., 583 пр. Общим весом 6,75 гр. Чистым весом 6,75 гр. | 3 188 302,00 |
| 40. | 5831 | Браслет с крас. кам. деф. погн. замка нет, цепочки нет, о.в. 10,85 гр., ч.в. 9,00 гр., 375 пр.; браслет с крас. кам. деф. замка нет цепочки нет о.в. 11,35 гр., ч.в. 10,00 гр., 375 пр.; браслет с бел. кам. деф. погн., о.в. 11,20 гр., ч.в. 9,00 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. деф. о.в. 2,75 гр., ч.в. 2,10 гр., 583 пр.; кольцо с голуб. кам., о.в. 4,85 гр., ч.в. 2,00 гр., 583 пр.; кольцо с брилл. 1 шт. с бел. кам., о.в. 3,15 гр., ч.в. 2,80 гр., 583 пр.; серьги с брилл. 2 шт. с бел. кам. деф., о.в. 5,60 гр., ч.в. 5,20 гр., 583 пр. Общим весом 49,75 гр. Чистым весом 40,10 гр. | 15 308 302,00 |
| 41. | 5924 | Браслет с бел. кам. деф. о.в. 6,70 гр., ч.в. 6,30 гр., 583 пр. Общим весом 6,70 гр. Чистым весом 6,30 гр. | 2 991 352,00 |
| 42. | 5975 | Цепь с кулоном деф., о.в. 15,35 гр., ч.в. 15,35 гр., 583 пр. Общим весом 15,35 гр. Чистым весом 15,35 гр. | 7 172 752,00 |
| 43. | 6002 | Кольцо, о.в. 2,49 гр., ч.в. 2,49 гр., 583 пр.; цепь деф. пайка, о.в. 9,15 гр., ч.в. 9,15 гр., 583 пр. Общим весом 11,64 гр. Чистым весом 11,64 гр. | 5 460 802,00 |
| 44. | 6074 | Серьги с бел. кам. накл., о.в. 6,30 гр., ч.в. 5,00 гр., 583 пр. Общим весом 6,30 гр. Чистым весом 5,00 гр. | 2 252 789,50 |
| 45. | 6079 | Кольцо обруч. с бел. кам. деф. погн., о.в. 2,30 гр., ч.в. 2,00 гр., 583 пр. Общим весом 2,30 гр. Чистым весом 2,00 гр. | 1 006 702,00 |
| 46. | 6180 | Цепь хруп. запутина деф., о.в. 2,50 гр., ч.в. 2,50 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 2,80 гр., ч.в. 2,00 гр., 583 пр. Общим весом 5,30 гр. Чистым весом 4,50 гр. | 2 158 102,00 |
| 47. | 6250 | Кольцо деф. погн., о.в. 6,30 гр., ч.в. 6,30 гр., 583 пр. Общим весом 6,30 гр. Чистым весом 6,30 гр. | 2 991 352,00 |
| 48. | 6278 | Серьги деф. погн., о.в. 2,00 гр., ч.в. 2,00 гр., 583 пр.; кольцо деф. погн., о.в. 1,50 гр., ч.в. 1,50 гр., 583 пр. Общим весом 3,50 гр. Чистым весом 3,50 гр. | 1 688 452,00 |
| 49. | 6295 | Кольцо с бел. кам. 1-го кам. нет деф., о.в. 4,30 гр., ч.в. 2,00 гр., 583 пр. Общим весом 4,30 гр. Чистым весом 2,00 гр. | 1 006 702,00 |
| 50. | 6361 | Кольцо с бел. кам. деф. погн., о.в. 2,50 гр., ч.в. 1,00 гр., 583 пр.; кольцо с бел. син. кам. деф. погн., о.в. 1,35 гр., ч.в. 0,80 гр., 583 пр. Общим весом 3,85 гр. Чистым весом 1,80 гр. | 884 305,15 |
| 51. | 6544 | Кольцо с бел. кам. деф. 1 кам. нет, о.в. 3,40 гр., ч.в. 2,90 гр., 583 пр. Общим весом 3,40 гр. Чистым весом 2,90 гр. | 1 423 327,00 |
| 52. | 6466 | Серьги с бел. кам. хруп., о.в. 3,45 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр. Общим весом 3,45 гр. Чистым весом 2,50 гр. | 688 552,00 |
| 53. | 6472 | Кольцо с деф. погн., о.в. 1,25 гр., ч.в. 1,25 гр., 375 пр.; кольцо деф., о.в. 4,00 гр., ч.в. 4,00 гр., 583 пр. Общим весом 5,25 гр. Чистым весом 5,25 гр. | 2 144 846,26 |
| 54. | 38 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 2,10 гр., ч.в. 1,60 гр., 583 пр.; серьги с бел. кам. с деф. погн., о.в. 3,35 гр., ч.в. 2,90 гр., 583 пр. Общим весом 5,45 гр. Чистым весом 4,50 гр. | 2 158 102,00 |
| 55. | 138 | Кольцо 14 к деф., о.в. 4,65 гр., ч.в. 4,65 гр., 583 пр. Общим весом 4,65 гр. Чистым весом 4,65 гр. | 2 233 852,00 |
| 56. | 180 | Колье хруп. деф., о.в. 9,90 гр., ч.в. 9,90 гр., 583 пр. Общим весом 9,90 гр. Чистым весом 9,90 гр. | 4 627 552,00 |
| 57. | 192 | Серьги деф., о.в. 2,70 гр., ч.в. 2,70 гр., 583 пр.; кольцо деф. погн., о.в. 2,80 гр., ч.в. 2,80 гр., 583 пр. Общим весом 5,50 гр. Чистым весом 5,50 гр. | 2 612 602,00 |
| 58. | 290 | Кольцо, о.в. 3,55 гр., ч.в. 3,55 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 5,60 гр., ч.в. 5,60 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 5,55 гр., ч.в. 5,55 гр., 585 пр. Общим весом 14,70 гр. Чистым весом 14,70 гр. | 6 900 052,00 |
| 59. | 383 | Кольцо обруч., о.в. 1,60 гр., ч.в. 1,60 гр., 583 пр. Общим весом 1,60 гр. Чистым весом 1,60 гр. | 824 902,00 |
| 60. | 549 | Цепь деф. погн., о.в. 9,80 гр., ч.в. 9,80 гр., 583 пр. Общим весом 9,80 гр. Чистым весом 9,80 гр. | 4 476 052,00 |
| 61. | 554 | Кольцо с бел. кам. деф. погн., о.в. 2,80 гр., ч.в. 2,30 гр., 583 пр.; цепь штамп. хруп., о.в. 4,85 гр., ч.в. 4,85 гр., 583 пр. Общим весом 7,65 гр. Чистым весом 7,15 гр. | 3 385 252,00 |
| 62. | 570 | Браслет с металл переп., о.в. 8,00 гр., ч.в. 7,00 гр., 583 пр.; браслет деф. погн. каучук, о.в. 5,60 гр., ч.в. 2,90 гр., 583 пр. Общим весом 13,60 гр. Чистым весом 9,90 гр. | 4 779 052,00 |
| 63. | 636 | Кольцо с бел. желт. кам. с деф. погн., о.в. 2,22 гр., ч.в. 1,20 гр., 583 пр.; кольцо с крас. кам. с деф. погн., о.в. 5,35 гр., ч.в. 3,80 гр., 583 пр. Общим весом 7,57 гр. Чистым весом 5,00 гр. | 2 392 927,00 |
| 64. | 707 | Цепь с гол. кам., о.в. 3,70 гр., ч.в. 3,20 гр., 583 пр. Общим весом 3,70 гр. Чистым весом 3,20 гр. | 1 373 460,77 |
| 65. | 732 | Часы "Чайка" №15208 с деф. погн. с бел. кам., о.в. 21,46 гр., ч.в. 10,50 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 3,52 гр., ч.в. 3,10 гр., 583 пр.; браслет слом. части нет с деф. погн., о.в. 9,07 гр., ч.в. 9,07 гр., 583 пр.; колье с деф. погн. хруп., о.в. 20,41 гр., ч.в. 20,41 гр., 583 пр. Общим весом 54,46 гр. Чистым весом 43,08 гр. | 19 777 552,00 |
| 66. | 914 | Колье с брилл. + оскол. о.в. 35,15 гр., ч.в. 35,15 гр., 583 пр. Общим весом 35,15 гр. Чистым весом 35,15 гр. | 15 446 348,80 |
| 67. | 934 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 2,50 гр., ч.в. 2,20 гр., 583 пр.; кольцо кам. нет о.в. 3,05 гр., ч.в. 3,05 гр., 583 пр.; цепь замок слом. деф. хруп., о.в. 5,80 гр., ч.в. 5,80 гр., 583 пр. Общим весом 11,35 гр. Чистым весом 11,05 гр. | 4 506 024,76 |
| 68. | 1017 | Браслет (бирка+нитка+пломба), о.в. 5,00 гр., ч.в. 4,10 гр., 583 пр.; серьги (сбел. кам. деф.), о.в. 4,00 гр., ч.в. 3,10 гр., 583 пр. Общим весом 9,00 гр. Чистым весом 7,20 гр. | 3 415 552,00 |
| 69. | 1062 | Кольцо с деф. погн., о.в. 3,10 гр., ч.в. 3,10 гр., 583 пр. Общим весом 3,10 гр. Чистым весом 3,10 гр. | 1 442 070,58 |
| 70. | 1108 | Кольцо с сер. кам., о.в. 7,15 гр., ч.в. 5,15 гр., 583 пр.; серьги хруп. деф. о.в. 2,95 гр., ч.в. 2,95 гр., 583 пр.; кольцо деф. о.в. 2,05 гр., ч.в. 2,05 гр., 583 пр. Общим весом 12,15 гр. Чистым весом 10,15 гр. | 4 779 052,00 |
| 71. | 1117 | Серьги с бел. кам. с деф. погн., о.в. 2,94 гр., ч.в. 2,10 гр., 375 пр.; кольцо с деф. погн., о.в. 1,89 гр., ч.в. 1,89 гр., 583 пр. Общим весом 4,83 гр. Чистым весом 3,99 гр. | 1 567 252,00 |
| 72. | 1188 | Серьги с крас. кам., о.в. 4,50 гр., ч.в. 3,10 гр., 375 пр.; серьги с бел. кам. накл. о.в. 3,10 гр., ч.в. 2,70 гр., 583 пр.; кольцо пайка деф. погн., о.в. 2,40 гр., ч.в. 2,40 гр., 583 пр. Общим весом 10,00 гр. Чистым весом 8,20 гр. | 3 332 227,00 |
| 73. | 1213 | Серьги с бел. кам. деф. о.в. 1,70 гр., ч.в. 1,25 гр., 583 пр. Общим весом 1,70 гр. Чистым весом 1,25 гр. | 658 252,00 |
| 74. | 1269 | Кольцо о.в. 2,85 гр., ч.в. 2,85 гр., 583 пр. Общим весом 2,85 гр. Чистым весом 2,85 гр. | 1 400 602,00 |
| 75. | 1274 | Цепь хруп. деф., о.в. 11,20 гр., ч.в. 11,20 гр., 583 пр. Общим весом 11,20 гр. Чистым весом 11,20 гр. | 5 233 552,00 |
| 76. | 1341 | серьги с крас кам. с деф. погн. хруп о.в. 3,00 гр., ч.в. 1,90 гр., 583 пр. Общим весом 3,00 гр. Чистым весом 1,90 гр. | 961 252,00 |
| 77. | 1504 | Серьги с бел. кам. деф., о.в. 5,50 гр., ч.в. 4,90 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам., о.в. 3,35 гр., ч.в. 2,95 гр., 583 пр. Общим весом 8,85 гр. Чистым весом 7,85 гр. | 3 718 552,00 |
| 78. | 1551 | Серьги с крас. кам. деф. хруп., о.в. 4,30 гр., ч.в. 1,50 гр., 375 пр.; серьги хруп., о.в. 1,85 гр., ч.в. 1,85 гр., 585 пр. Общим весом 6,15 гр. Чистым весом 3,35 гр. | 1 370 302,00 |
| 79. | 1624 | Кольцо обруч. о.в. 10,45 гр., ч.в. 10,45 гр., 583 пр. Общим весом 10,45 гр. Чистым весом 10,45 гр. | 4 406 665,00 |
| | | **Бошланғич баҳоси** | **303 112 942,49** |

Аукцион савдолари **2022 йил 20 декабрь** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 16 декабрь куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2022 йил 20 декабрь** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2023 йил 5, 19 январь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. **Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** савдо кунидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# "Respublika mulk markazi" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

## бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога "Хожели дийхан базары" МЧЖнинг 2022 йил 7 ноябрь кунги 01-08/517-1-сонли алоқа хатига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжейли тумани, С. Мачанов кўчаси, рақамсиз уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилади:**

2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 633 ZAA бўлган, қониқарсиз таъмирталаб ҳолатдаги "НЕКСИЯ" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 18 903 389 сўм.

**Аукцион савдо 2022 йил 20 декабрь куни соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-"Б" уй манзилида жойлашган "Qoraqalpoq mulk markazi" МЧЖ биносида ўтказилади.**

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** аукцион савдодан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси "Respublika mulk markazi" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 7005 7145 2012 АТБ "Давр банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850 ОКОНХ 84200.

**Аукцион савдо ўтказиладиган манзил:** Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-"Б" уй.

**Тел.:** 61-222-84-44.

**Расмий сайт:** www.rmm.uz

# TEXNOPARK

## Ferroli sanoat isitish qozonlarini ishlab chiqarishni boshladi

**San Bonifacio (Verona, Italiya) – aynan shu yerda 1958-yilda ferroli isitish uskunalarining jahon afsonasi tarixi boshlandi. Tashkil etilganidan beri kompaniya kamtarona qozon ishlab chiqarish ustaxonasidan ko'p qirrali sanoat guruhiga o'tdi.**

Bugungi kunda nafaqat O'zbekiston, balki qo'shni davlatlar orasida ham katta hajmdagi eng zamonaviy texnika vositalarini ishlab chiqarish bo'yicha nufuzga ega kompaniya hisoblangan "Texnopark" MCHJ va FERROLI kompaniyalarining birgalikdagi faoliyati natijasida Prextherm RSW po'lat isitish qozonlarini ishlab chiqarish yo'lga qo'yildi.

Ferroli Prextherm RSW po'lat isitish qozonlari bosimli dizel yoki gaz yoqilg'isi bilan ishlashga mo'ljallangan. Uning diapazoni 92 kVt dan 6000 kVt gacha bo'lgan issiqlik quvvatiga ega 25 ta modellardan iborat. Isitish qozonining samaradorligi 92% dan yuqori. Mahsulotning samaradorligini oshirish usullaridan biri ekonomayzer hisoblanadi. Bu yonilg'i sarfini kamaytirishga yordam berib, qozonning issiqlik chiqishi va foydali ish koeffitsientini 5% gacha sezilarli darajada oshiradi. Ishlash harorati 110° C gacha.

16 tagacha isitish qozonli kaskadning yana bir imkoniyati sifatida dwg, rfa, sat formatlarida dizayn uchun BIM(3D) modellarining mavjudligini aytish mumkin. Ferroli isitish qozonlari yirik ishlab chiqarish va sanoat ob'ektlarini kerakli hajmda issiqlik va issiq suv bilan ta'minlashga qodirligi bilan aholining e'tiborini qozonib kelmoqda.

**FERROLI PREXTHERM RSW ISITISH QOZONLARINING XUSUSIYATLARI:**

- Isitish qozoni yondirgichi yonish kamerasiga nisbatan bir oz pastga siljiydi. Ushbu holat olovni qaytarishga va aerodinamik qarshilikni kamaytirishga yordam beradi. Bu esa o'z navbatida generatorning ishlash diapazonini kengaytiradi;
- Isitish qozoni korpusi butunlay po'latdan yasalgan, qoplamasi esa to'liq 80 mm yuqori zichlikdagi shisha tolasidan qilingan.U ham chidamli materialning mustahkam qatlami bilan qoplangan;
- Isitish qozoni eshigi almashtiriladigan o'rnatish imkoniyatiga ega. Ishlash xususiyatlariga ko'ra, uni chapga yoki o'nga o'rnatish mumkin;
- Maksimal ish bosimi 6 bar, talab boyicha yuqoriroq bosimda ham ishlashi mumkin;
- Yangi turbulizatorlar, boshqa yechimlarga nisbatan aerodinamik yo'qotishlarni kamaytirish bilan birga yonish mahsulotlari bilan issiqlik almashinuvini yaxshilaydi;
- Boshqaruv paneli iqlim termostati bilan jihozlangan;
- Yonish kamerasi to'liq zichlikka ega;
- Sovuq suvning qozon tubiga harakatlanishini ta'minlaydigan maxsus aks ettiruvchi plastinka mavjudligi;
- Eshik bir qatlamli mineral tola va bir qatlamli "Carbowool" materialining ikki qavatli qoplamasi bilan izolyatsiya qilingan. Yuqori issiqlik quvvatiga ega modellarda ikki qatlamli issiqlikka chidamli beton va izolyatsiyadan foydalaniladi;
- Isitish qozonining issiq qismidan chiquvchi tutun gazlar o'tishini ta'minlash va shu bilan birga kondensatsiya ehtimolini kamaytirish uchun quvur to'plami olov qutisi ustida joylashgan.

Ferroli Prextherm RSW po'latdan yasalgan isitish qozonlari uchun kafolat muddati uskunalar ishga tushirilgan kundan boshlab 3 yil.

Yuqoridagi xususiyatlarni hisobga olgan holda aytish mumkinki, Germaniya texnologiyalaridan foydalangan holda yuqori sifatli isitish tizimlari O'zbekiston bozori uchun yanada qulayroq bo'ldi.

**ZAVODNING TOSHKENT SHAHRIDA JOYLASHGANLIGI HAM BIR QANCHA AFZALLIKLARGA EGA:**

- ishlab chiqaruchining mavjudligi;
- transportda tejamkorlik;
- o'rnatishdan keyingi yordam;
- xizmatlar.




ISHLAB CHIQARISH JARAYONI 100% YEVROPA TEXNOLOGIYALARI ASOSIDA

YIRIK ISHLAB CHIQARISH VA SANOAT OBYEKTLARINI ISSIQ SUV BILAN TA'MINLASH



ISSIQLIK QUVVATI 92 KVTDAN 6 000 KVTGACHA

ISHLASH TEMPERATURASI 110°C

PROLINE
SANOAT SEKTORI
Ferroli

ITALIYA TEXNOLOGIYASI ASOSIDA O'ZBEKISTONDA ISHLAB CHIQARILGAN SANOAT QOZONLARI




(95) 325-55-55 | (95) 323-33-33
prolinegroup.uz | texnopark.uz